

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Гулистон давлат университети

Ижтимоий иқтисодий факультет **5-41**

Хўжанов Элдоржон

Бухорийнинг “Абдулланом” асари тарихий
манба сифатида

БИТИРУВ – МАЛАКАВИЙ ИШИ

Таълим йўналиши: 5220200 – Тарих

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Ш.Бектурдиев

Гулистон-2013

Ҳимояга рухсат берилди

Факультет декани: иқтисод ф.д. А.Маматов_____

Кафедра мудири: тарих ф. н., доцент О.Назаров_____

Мундарижа

КИРИШ.....	3 -
6	
И БОБ. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ҳаёти ва “Абдулланом” асарининг яратилиш тарихи ва Абдуллахон ИИ даврида Бухоро хонлиги ижтимоий –сиёсий ҳаёти.....	7 – 23
И. 1 Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом” асарининг яратилиш тарихи	7 - 11
И. 2. Абдуллахоннинг тахтга келиши арафасида Бухоро амирлигида ижтимоий – сиёсий вазият.....	12 - 16
И. 3. Абдуллахоннинг хонлик сиёсий ҳаётида амалга оширган ислохотлари.....	17 - 22
ИИ. БОБ. Абдуллахоннинг сиёсий ҳаётда дипломатиянинг ўрни.....	23 - 51
ИИ. 1. Абдуллахон ва Акбарсоҳ ўртасидаги дипломатик алоқалар.....	23 – 38

ИИ. 2. Абдуллахоннинг Дашти Қипчоқ ва бошқа минтақалари билан дипломатик муносабатлари	39
– 47	
ИИ. 3. Абдуллахоннинг Россия билан савдо ва дипломатик муносабатлари...	
.....	47 - 51
ХУЛОСА	51 -
53	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	54
- 55	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Мустақилигимизга еришганимиздан сўнг биз тарихимизга доир ҳар бир воқеаларни асл ҳолатича ўрганиш имкониятига ега бўлдик. Чоризм даврида тарихимизга ҳаққонийлик билан ёндашилмади совет тизимида мос қилиб ўзбек фуқароларига ўргатилган бўлсада, ота – боболаримиз ўзлигини, ўз тарихини унутмасдан бизгача қолдиришга ҳаракат қилдилар. Зеро тарих бугун ва келажакнинг кўзгуси. Мустақил ҳаётимизда буюк мақсадлар сари интилишимиз учун шаройитларнинг яратилганлиги ҳамда буюк келажак учун маданий – маънавий меросга ега бўлишимиз даркор.

Ел – юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида бундай машъум хатарларни неча бор кўрган, уларнинг жабрини тортган. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз, тарихимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шундай фожиаи ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ

бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват етиш лозим. Зеро ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунни унутадиган миллатнинг келажаги йўқ¹. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ тарихни ўрганиш борасида муҳим қадамлар қўйилди. 1998 йил 26 июнда Президент Ислам Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар ва ижодкор зиёлилар вакиллари билан ўтказган учрашувидан кейин тарихни ўрганишга бўлган еътибор янада кучайди. Ушбу учрашувда давлат раҳбари тарихни қайта тиклаш борасидаги енг долзарб масалаларни кўрсатиб берди. Ҳеч қайси бир халқ ўтмишини ўрганмай, ўзининг замон ва макондаги ўрнини аниқ белгилаб олмасдан, насл-насабини, кимлигини билмасдан туриб ривожланиши мумкин эмаслигини таъкидлайди². Шунингдек, И.А Каримов ушбу учрашувда давлатчилик тарихини ўрганиш ва қайта тиклаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан бири эканлигини қуйидагича баён етган еди: «Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифасидир. Асосий мақсад давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир»³.

Дарҳақиқат тарихий бир даврда аجدодларимиз қолдириб кетган тарих манбаларни биз албатта мукаммал даражада ёритиб келажакка йетказиб беришимиз лозим. Ана шунингдек асарлардан бири бўлган “Абдуллонома” асари ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, албатта ўрта аср давлатларининг қай даражада мустаҳкам ва қудратлийлигини ўша давлатнинг маданияти ҳамда давлат тузилиш структурасига еътибор қаратиб уни аниқлашимиз мумкин. Шунингдек XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг қўшни давлатлар билан олиб борган дипломатик, савдо ва маданий алоқаларини ўзбек давлатчилиги тарихи тамойиллари нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ

¹ Karimov I. A. “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” Ma’naviyat nash. T. 2008. 3 – 4. b.

² Karimov I. A. “Tarixiy xotirasiz kelajak yo’q” T. 7. – Toshkent. O’zbekiston. 1999. b. 135.

³ Karimov I. A. “Tarixiy xotirasiz kelajak yo’q” T. 7. – Toshkent. O’zbekiston. . 1999. B. 139.

қилиш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири дейиш мумкин. Ҳамда бугунги кунда ҳам бу давлатларнинг аҳамият қай даражада еканлигини билишимиздир. Шайбонийлар давлати ҳақида Ҳофиз Таниш Бухорий қимматли манба бизга тақдим етганлиги, бу албатта ўтмишимиздаги воқеаларнинг ҳақиқийлигига ишончни оширади. Ана ушнингдек асарлардан бу давлатларнинг ҳаётимизда қай даражада долзарблигини билишимиз мумкин. Албатта биз ўтмишимизни мукамал билиб, уларни келажак авлодга салмоқли даражада қолдиришимиз олдимизга қўйилган енг долзарб масаладир.

Агар биз Ўзбекистонимизни дунёда таранум етмоқчи, унинг кадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлод хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк тарихчиларимизни тарбиялашимиз долзарбдир⁴.

Мавзунинг манбашунослиги: Марказий Осий ҳудудидаги ҳар бир давлат, қабила, уруғ қаби жамоаларни манбалар асосида ўрганиб чиқиш бу албатта, ҳар бир тарихчининг олдига қўйилган ягона мақсадлардан биридир. Негаки, тарих бугун ва ертанги кунни белгилаб берувчи асосий мезондир. Тарихий манбаларга асосланган бу давлатлар ҳақида қўлёзма манбалари кўп учрайди. Асосий манба сифатида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом”, Гулбадамбедимнинг “Ҳумоюннома”, Абул Фазл ибн Муборак “Тарихи Акбаршоҳ”, Рашидиддин Фазлуллоҳ ибн Имомуддаавла Абулхайрнинг “Жоме ут - таворих”, Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Саид Муҳаммад Содик Али “Акбарнома”, Ҳасанхожи Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” Мутрибийнинг “Тазкират шуаро”, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” қаби шахслар Абдуллахон ИИ ни ва шайбонийлар давлатининг ижтимоий, сиёсий,

⁴ Karimov I. A. “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” Ma’naviyat nash. T. 2008 140. b.

иқтисодий, маданий, дипломатик алоқалари ва албатта шажаралари ҳақида ҳам маълумот келтириб ўтганлар.

Тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси: Бухоро хонлиги тарихини бир қанчаси рус ва ўзбек олимлари ўрганган. Бухоро хонлигида XVI аср Шайбонийлар ҳукумронлиги ҳақида бир қанча адабиётларда келтириб ўтилган бўлиб Б. Аҳмедовнинг “Тарихдан сабоқлар”, ва “Ўзбек улуси”, Азамат Зиёнинг “Ўзбек давлатчилиқ тарихи”, Баракаевнинг “Бухоро тарихи енг қадимги даврдан Улуғ октябр инқилобигача”, Алимованинг “Ўрта Осиёнинг чет ел шарқи билан алоқалари ХИИ – ХИВ асрлар”, И. Низомиддиновнинг “ХВИ - ХВИИИ асрларда Ўрта Осиё Ҳиндистон муносабатлари”, “Маданий ҳамкорлигимиз саҳифалари Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари”, “Ўрта Осиёнинг чет ел шарқи билан муносабатлари”, Муҳаммаджоновнинг “Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатларига доир манбалар”, Ерматовнинг “Ўрта Осиё Россия ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари тарихи”, Шишкиннинг “Ўрта Осиёнинг Хитой халқлари билан қадимги маданий алоқалари”, Аминовнинг “ХВИ – XX асрдаги Ўрта Осиё Россия билан тарихий иқтисодий алоқалари”, каби бир қанча олимлар ва бошқа муаллифларнинг асарларини қайд етиш мумкин. Шунингдек биз ҳам ушбу битирув малакавий ишда юқоридаги асарлардан фойдаландик.

Биктирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари: Мустақилликка еришганимиздан сўнг ўз тарихимиз ҳақида кенгроқ ва ҳаққонийроқ маълумотлар олиш имкониятига ега бўлдик. Бу албатта бизга яратилган катта имкониятдир. Шунинг учун тарихий давримизнинг ҳар бир воқеаларини ўрганишдир.

Биз бу давлатни ўрганишдан мақсад, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарининг таҳлили жараёнида ички ва ташқи дипломатик

муносабатларни ёритиб беришди⁵. Дарҳақиқат Шайбонийларнинг давлатимиз ҳаётида тутган ижобий ва салбий даражаларини билиш асосий мақсадимиздир. Шу ўринда еса биз учун албатта келажак авлодга тарихимизда азал – азалдан бўлган давлатларимизнинг қудратлилигини англатишимиз лозимлигидир. Ундан ташқари бу давлатнинг дипломатик муносабатлари қай даражада йетуклигини аниқлашимиздир.

Тадқиқотнинг янгилиги: Бу мавзуни янгилиги ҳақида айтадиган бўлсак, шайбонийлар давлати ҳақида йетарли даражада адабиётлар ёзилган, аммо ўша китобларнинг тадқиқот даражасида давлатнинг бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатлари ҳақида нисбатан кўп тўхталиб ўтдек.

Битирув малакавий ишнинг вазифаси

- мавзуни ёритишда қўйилган вазифалар қуйидагилар:
- мавзуга оид манбаларни тўплаш:
- мавзуга оид адабиётларни тўплаш:
- манба ва адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш
- манба ва адабиётларда шайбонийлар ҳақида маълумот тўплаш:
- шу асосда мавзуни ёритиш.

Тадқиқотнинг тузилиши: Кириш, 2 та боб, 6§, И боб 3§, ИИ боб 3§, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

⁵ V. Rahmonov va Y. Ermatova tarjiması. “Tarixiy Rashidiy” “Sharq” nash. T. 2010. 242. b.

И БОБ. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом”
асарининг яратилиш тарихи ва Абдуллахон ИИ даврида
Бухоро хонлиги ижтимоий – сиёсий ҳаёт

И. 1. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ҳаёти ва “Абдуллонома” асарининг яратилиш тарихи

“ Абдуллонома” ёки “ Шарафномаи шоҳий” асарининг муаллифи XVI асрда яшаб ижод қилган. У Бухоролик шоир ва тарихчи олим Ҳофиз Таниш Бухорийдир. У 1549 – йил мансабдор оилада туғулади ва отаси Мир Муҳаммад ал – Бухорий хонлиқнинг нуфузли кишиларидан бири бўлиб, 1550 – йил Қошғарга кетиб ўша йерда вафот этади. Ҳофиз Таниш Бухорий еса ўз даврининг маълумотли кишиларидан бўлиб, у 1584 – йил Абдуллохоннинг амалдорларидан бири Қулбобо кўкалдошнинг тавсияси билан ҳукумдорнинг хизматига шахсий воқеанавис, тарихчи бўлиб ўтади⁶.

Ҳофиз Таниш Бухорий “Абдуллонома” ёки “Шарафномаи шоҳий ” асари билан тарихда қолган шахсдир. Китобда Ўзбекистон, Қозағистон, шунингдек Афғонистон ва Ероннинг XVI асрдаги ижтимоий – сиёсий тарихи ҳам баён қилинган бўлиб, бу халқлар ўртасидаги маданий, сиёсий, савдо, дипломатик муносабатлар ҳақида қимматли маълумотлар келтириб ўтади. Ундан ташқари, асарда Бухоро хонлиги билан Ерон, Ҳиндистон, Қошғар ва Россия ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтади. Ҳофиз Таниш Бухорий асарини XVI асрнинг 80 йилларида ёзиб тугаллаганлиги ҳақида замондошларидан Мутрибий айтиб ўтади. Шунингдек Мутрибий бу асарнинг охириги қисмини хоннинг буйруғи билан қози Поянда Зоминий ёзган деб келтириб ўтади⁷.

“Шарафномаи шоҳий” муаллифнинг режасига кўра асар муқаддима, икки қисм ёки мақола ва хотимадан иборат қилиб ёзишни хохлаган. Муқаддимада Аллоҳнинг мадҳу ва ҳамду саноси, ҳомий, ҳукумдор Абдуллохоннинг шанига айтиладиган тавсифлар, Абдуллохоннинг ота боболари, қадимда Марказий Осиёда ҳукумронлик қилган турк – мўғул қавмлари, Чингизхон ва унинг авлодлари ҳақида

⁶ A. Madraimov, G. Fuzailova “Manbashunoslik” O’zb. Faylasuflar milliy jam. nash. T. 2008 216. b.

⁷ B. Ahmedov “Tarixdan saboqlar” “O’qituvchi” nash. T. 1994. 393. b.

маълумот келтирган. Биринчи мақолада Моворауннаҳрда 1533 – 1583 - йилларда содир бўлган воқеалар келтирилган. Иккинчи мақолатда еса Ўзбекистон, Қозағистон ва қўшни давлатларда юз бериши мумкин бўлган воқеалар келтириб ўтилган. Хотимада еса Абдуллахоннинг ажойиб фазилатлари, у билан бир даврда яшаган шайхлар, вазирлар, амирлар, ва шунингдек Абдуллахон замонида қурилган бинолар ҳақида маълумот келтириб ўтишни хохлаган. Лекин асар ёзилиши ўзгарган, яъни биринч ва иккинчи режа қўшилиб ёзилган, хотима еса муаллифнинг бевақт ўлими туфайли ёзилмай қолган⁸.

Муаллиф асар муқаддимасида келтиришича Наршахийнинг “Тарихи Бухоро”, шайхулисом Сайфиуддин Абубакр Абдулло Балхийнинг “Ҳазоили Балх”, Истахрийнинг “Китоби масолик ул - мамолик”, Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонкушойи”, Рашидуддиннинг “Жоме ут - таворих”, Мирхонднинг “Равзат ус - сафо”, Шарфиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” каби асарлардан фойдаланиб асарни ёзади. XVI асрда содир бўлган воқеалар сройда мунтазам фойдаланадиган кундалик дафтар, содир бўлган сиёсий ижтимоий масаларни ўзи гувоҳи бўлиб, 70 – 80 йиллар оралиғидаги маълумотларни ўзи кетириб ўтади⁹.

“Шарафномаи шоҳий” да Фирдавсий, Рудакий, Саъдий, Камолиддин Биноий, Мушфикий, “Қуръони карим” оятлари ва шунга ўхшагқан буйк шахсларнинг шеърӣ парчалари келтирилган. Китобда сиёсий воқеалар билан бирга ижтимоий – иқтисодий мавзуларга доир маълумотлар ҳам келтириб ўтилган. Шу жумладан солиқ, иқто, суюрғол, хирож, ихрижот, тоғар, каби давлат таянч бирликлари ҳам келтириб ўтилган¹⁰.

Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари қўп, асл матиннинг учдан икки қисми Санк – Петурбурглик олима М. Салоҳутдинова русча таржимаси

⁸ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. II tom “Sharq”nash. T. 2000. 270. b.

⁹ B. Ahmedov “Tarixdan saboqlar” “O’qituvchi” nash. T. 1994. 391. b.

¹⁰ A. Madraimov, G. Fuzailova “Manbashunoslik” O’zb. Faylasuflar milliy jam. nash. T. 2008 217. b.

билан чоп етган. Китоб 1942 – 1952 – йиллари Содиқ Мирзайев ва охириги қисми Ю. Ҳакимжановлар томонидан 60 – йиллар ўзбек тилига таржима қилинди. Бироқ 1- 2 – жилдлари зарур тузатишлар, тадқиқот изохлари билан 1966 ва 1969 – йилларда Б. Аҳмидов томонидан чоп етилган. 3 – 4 – жилдларини 1995 – 1997 – йилларда чоп этади¹¹.

“Абдулланома” нинг иккинчи китобида Моворауннахр ва Дашти Қипчоқда тўрт йил 1579 – 1583 – йилларда бўлиб ўтган сиёсий воқеалар ҳамда Абдуллахоннинг Бадахшон, Кўлоб, Ҳиротни буйсундириши билан боғлиқ воқеалар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Бизга маълумки, Абдуллахон 1567 – 1576 – йиллари оғир курашлардан сўнг, Моворауннахрни батомом бирлаштиришга мувофиқ бўлади. Шу ўринда мустақил марказий давлат апаратини ўрнатишга мувофиқ бўлади. Орадан кўп вақт ўтмай, 1579 – йил ноябр оyi ўрталарида Сирдарёнинг шимолий томонидаги йерларни яъни, Тошкент, Туркистон, Саброн, Сайрам вилоятларини ҳам Бухоро хонлигининг таркибига киритиш учун астойдила ҳаракат қилади. Жумладан бу уруш тўрт йил давом этади, шу давр мобайнида Абдуллахон бу ҳудудларга олти мартадан ҳужум қилган еди. Шу ўринда шайбоний сулоласининг яна бир қанча вакиллари билан ҳам кураш олиб бориб, улардан Бобохон, Бузахўр султон, дарвиш султон ва бошқаларни Улуғтоғ (Улутау) гача тақиб қилиб боради ва охири қозоқ хонлари Шиғойхон ва Таваккал билан иттифоқ тузиб, улар устидан тўла ғалаба қозонишга мувоффиқ бўлади¹².

Ҳофиз Таниш Бухорий сарой тарихчиси бўлган еди. Шунинг учун ҳам Абдуллахоннинг юришларини зўр кўтаринки руҳда тасверлаган. Шу ўринда бу юришларни китобида саройни осойишталигини таъминлаш учун қилинган курашлар деб тақидлайди. Бироқ асарда келтирилган воқеаларни диққат билан еътибор берсак, муаллиф оддий хоалқнинг бу юришлардан беҳисоб азият чекканлигини гувоҳи бўламиз. Асарда бўйсунмаган шаҳар ва

¹¹ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. II tom “Sharq”nash. T. 2000. 270. b.

¹² Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. II tom “Sharq”nash. T. 2000. 270. b.

қишлоқларнинг бўйсунмаганларини қириб ташланганлиги ва мол – мулклари талон тарож қилинганликлари ҳақида кўпгина маълумотлар учрайди.

“Абдулланома ” нинг Содиқ Мирзайев таржимасига асос бўлган нусхаси (Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, инв. №2207) тўлиқ бўлмай, 1583 йил воқеалари билан тугалланган, жумладан асарнинг санк – Петербург, Боку ва Душанбада сақланадиган нусхалари 1584 – 1588 йиллар воқеаларини ҳам ўз ичига олади. Асарнинг 1584 – 1588 - йилларда Бадахшон, Кўлоб ва Ҳиротнинг Бухоро хонлиги қўшиб олинishi, моворауннаҳр ва Хоразмнинг ана шу йиллар ичидаги ижтимоий – сиёсий ахволини ўз ичига олган қисми Санк – Петербург ва Боку нусхалари асосида араб ва форс тилига юнисхожа Ҳакимжонов таржима қилган.

Асарнинг Мирзияев қилган таржимасида иккинчи бобнинг бир қисми билан тугайди. Ана шу таржима қисмини нашрга А. Жувонмардийев ва илмий ходима М. Хўжайевлар иштирок этадилар¹³. “Абдулланома” асари ҳақиқатдан бизга тарихда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳақиқатни ёритиб берган асардир. Шу жумладан, бу китобни қанча кўп ўқилмасин ундаги воқеалардан янада янги тарихий жараёнларни аниқлашга мушараф бўламиз. Дарҳақиқат асар Абдуллахоннинг буйруғи билан ёзилганлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим, негаки бу асарда келтириб ўтилган воқеалар албатта, Абдуллахоннинг олиб борган сиёсатини қай даражада юксаклиги ҳамда, тарихий воқеаларнинг кетма – кетлиги аниқ қилиб берилган. “Абдулланома” асари ҳар жиҳатдан мукаммал ёзилган тарихий манбадир. Абдуллахоннинг таснифи албатта асарда ажойиб қилиб, ёритиб берилган. Шунингдек асарда ўша давр замони билан қарайдиган бўлсак, оддий халқ албатта қийналганлигини ҳам Ҳофиз Таниш Бухорий ўз асарида келтириб ўтади. “Абдулланома” асари ҳақида бир қанча олимлар ҳам тадқиқотлари жараёнида унинг мукамаллигини ва унинг ўша давр замон руҳида ёзилганини ҳақиқатни

¹³ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. II tom “Sharq”nash. T. 2000. 270. b.

ёритилиши бошқа асарларга нисбатан салмоқли ўринда турганлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Асарда Абдуллахоннинг тахтга келиши жараёнида сиёсий вазият қай варажада бўлганлиги ҳақида кўп маълумот учрамайди, бироқ Абдуллахоннинг вилоят ва шаҳарларга қилган юришлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Дарҳақиқат тарихий воқеаларнинг жараёни ҳамда Дашти Қипчоқдаги елчилик алоқалари, Бадахшон елчилик алоқалари ҳақида ҳам кўпгина маълумотлар батафсил ёритиб берилган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорий Абдуллахон саройининг тарихчиси бўлган ва унинг асарида Абдуллахонга тасниф берилганлиги ҳам бироз бўлсада намоён бўлади.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг қачон вафот етгани маълум эмас. Машҳур адабиётшунос олим ва шоир Мутрибий “Тазкират уш-шуаро” асарида “Жаноби Ҳофиз Таниш уламо жумласидандир. Малехо Самарқандийнинг маълумотида Ҳофиз Таниш Бухорийни 1589 – йил хотини томонидан заҳарлаб ўлдирилган.

У Маҳдумий Ҳасан ҳожанинг тазкирасида тилга олинади. Юқорида зикр етилган Ҳофизининг оға-инилари унинг вафотидан кейин хотини қандайдир жиноят қилганликда айблаб унга даъвогар бўлганлар ва олий фармонга кўра унинг Бухоро минорасидан ташлаб юборилишига еришганлар, деган миш-мишлар бор” деб ёзган¹⁴. Лекин унинг Абдуллахон вафоти (1006/1598) дан сўнг Аштархонийлар сулоласидан бўлган Имомқулихон (1611–1642) саройида яшаганлиги ва унга атаб 7200 мисрадан ортиқ шеър ёзганлиги ҳам маълум. Марҳум Ибодулло Одилов (1872-1944) Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Имомқулинома” деган шеърини асар ёзганлигини айтади. Аммо бу асар “Суҳайлий” тахаллуси билан машҳур бўлган шоир томонидан ёзилгани маълум.

Хуллас “Шарафномаи шоҳий” йирик шоҳ асар бўлиб, уни қанча кўпўқиса ҳам унда ўрганиш лозим бўлган шунча кўп янгиликлар очилади деб В. В. Веляминов – Зернов айтиб ўтади. Шунинг учун ҳам бу асар кўп

¹⁴ В. Ahmedov “ Tarixdan saboqlar” “o’qituvchi”nash. T. 1994. 392. b

вақтлардан бери шарқшунос олимларнинг диққат – еътиборини ўзига тортди келяпти. Асар ҳақида В. В Веляминов – Зернов, академик В. В. Бартолднинг шогирди Л. А. Зимин, Содиқ Мирзаев, М. А. Салоҳиддинова, Н. Сайфийев, ингилиз олими Г. Йете. Ч. А. Сторийлар ўз фикрларини айтиб ўтишган. В. В Веляминов – Зернов, Л. А. Зимин, Содиқ Мирзаев, М. А. Салоҳиддиновалар асарнинг бир қисмини рус ва ўзбек йилларига таржима қилишди. В. В Веляминов – Зернов таржимаси қисқа бўлиб уни нашрга тайёрлаган, бироқ чоп етилмаган.

Л. А. Зимин нинг таржимаси еса Уминяковнинг бсўзларига қараганда, 1918 – йили Тошкентда чоп етилган. Лекин олимларнинг тезликда Ўзбекистонга келиши натижасида бу иш тўхтаб қолди., 1924 – йил Бартолд Зиминнинг таржимасини матреалларини топлаб, нашр қилиш кераклигинин айтиди. Содиқ Мирзаев, М. А. Салоҳиддиновалар асарнинг тортдан бир қисмини рус ва ўзбек тилларига таржима қилганлар¹⁵.

¹⁵ В. Ahmedov “ Tarixdan saboqlar” “o’qituvchi’nash. T. 1994. 393 b

И. 2. Абдуллахоннинг тахтга келиши арафасида Бухоро амирлигида ижтимоий – сиёсий вазият.

XVI асрнинг бошларида бир вақтлар Волга дарёси бўйида ташкил топган Олтин Урда давлатидаги Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек кўчманчи қабилалари Темурийлар давлатини тор-мор қилиб, Ўрта Осиёда ўз ҳукумронликларини ўрнатади. Шайбонийлар Жўжи сулоласидан тўққизинчи ҳукмдор бўлган Ўзбекхон исмига нисбат бериб, ўзларига бир сиёсий қўшма ном — ўзбек номини қабул қилиб олганлар. Аслида улар Кўк Урданинг шарқида, Волга билан Орол денгизи орасида яшовчи турк-мўғул қабилалари едилар. Герман Вамберининг ҳисоблашича, ўзбекнинг луғовий маъноси «шахсан ўзига мустақил хўжайин», еркин демакдир.

Демак шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек халқининг шаклланиш илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади. Шайбонийлар бостириб киргунча бу ўлкада яшовчи аҳоли турклар номи билан юритилиб, уларнинг халқ сифатида шаклланиши IX—X асрларга тўғри келган. Бухоро вилоятида ҳам IX—X асрлардаёқ улар халқ сифатида шакллана бошлаган едилар¹⁶. XVI асрнинг бошларида Волга дарёси бўйида ташкил топган Олтин Урда давлатидаги Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек кўчманчи

¹⁶ Barakaev “Buxoro tarixi” nash. “o’qituvchi”. T. bet. 64.

кабилалари Темурийлар давлатини тор-мор қилишда ўзларининг еттибор ва ишончларини Муҳаммад Шайбонийга қаратган едилар, уни Шохбахт деб атар едилар. Шайбонийхон 1451 йилда туғилган еди. У ёшлигидаёқ истикбол учун порлоқ умидлар туғдиргай еди. Шайбонийхон отаси Бурдоқ Султон билан онаси Қўзибегимдан ёшлигида йетим қолиб, укаси билан бирга отасининг содиқ хизматкори Қорачабекнинг ҳимоясида яшаган. Қорачабек бу шахзодаларга садоқат билан хизмат қилган. Шайх Ҳайдарнинг вафотидаи сўнг Қорачабек улғайган бу йетим шахзодаларни олиб Абулхайр (Шайбонийхоннинг бобоси, ўзбекларнинг ҳокимларидан бири) оиласининг душманларидан Сирдарёнинг қуйи тарафларига қочиб кетишга мажбур бўлади.

Шайбоний улғайиб, улуғ бобоси Абулхайрхоннинг йўқотган шон-шавкатини қайтармоқ ниятида катта тайёргарлик кўра бошлайди. Хусусан, Абулхайрхон айна пайтда Сирдарёнинг юқори оқимида яшаётган Буғра Султондан қасос олишга аҳд қилади ва унинг саройига ҳужум қилади.

Унинг оила аъзолари ва қариндошларидан кўп кишини қатл қилади. Қочишга улгурган Буғра Султон ҳам ўлимдан қутулиб кета олмайди. Шайбоний уни топтириб, қатл еттиради. Мазкур муваффақиятли ҳужумдан кейин ёш шахзода кучайган ўзбек суворийларига бошчилик қилади. у сўнгра Темурийларга қарши курашга отланади. Бу даврда Самарқанд тахтида Абусаиднинг ўғли Султон Аҳмад ҳокимлик қилар еди. Мамлакат шимолий чегарасининг ноиби еса Қушлиқхон ўғли Мажид Тархон еди¹⁷.

Туркистоннинг шимолий вилоятларидаги ҳокимлар (тобелар) исён кўтарган пайтда, Абдулхайрнинг ворисларидан исённи бостириш учун фойдаланилади. Лекин ўзбек шахзодалари бу йерни ўзларининг она Ватанларидек ҳис етганлари учунми ёки тўплаган кучлари таъсири биланми, ҳуллас, ҳар қандай қуролли хизмат учун тўланган оддий маошга

¹⁷ Barakaev “Buxoro tarixi” nash. “o’qituvchi”. T. bet. 65.

қаноат қилмайдилар. Шу боис Ўтрор, Соврон, Сигноқ шаҳарларини уларга бериб, рози қилишни лозим кўрилади¹⁸. Кейинчалик ғоятда кенгайиб кетган Шайбоний мамлакати шу тарзда таъсис этилади.

Шайбонийхон ва унинг дастлабки ворислари даврида Самарқанд пойтахтлигича қолаверган бўлса. XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб Бухоронинг сиёсий марказ сифатидаги роли оша бошлайди.

Абдуллахон (тўлиқ исми Абдулла ибн Искандархон ибн Жонибек султон ибн хожа Муҳаммад ибн Абдуллахон) 1534 – йил Миёнкўл шаҳрида туғулган 1598 – йил Офариқент қишлоғида вафот етган ва уни Бухоро яқинидаги Баҳовуддин мажмуасига дафн этилади. Унинг ҳаёти ва Бухоро амирлигида тутган сиёсий мавқеи ҳақида бир қанча фикрлар юритамиз. Ўзбек давлатчилиги тизимидаги Бухоро хонлигининг шайбонийлар сулоласидан чиққан енг йирик ҳукумдори, давлат арбоби, саркарда, илм – фан, маърифат, маданият ҳомийси¹⁹. Бобоси Жонибек султон (вафоти 1528 |29) Кармана ва Миёнкўл шаҳарларининг 1512 – 153 – йиллар ҳокими бўлган. Отаси Искандар султон ўғли туғулганда Офариқентни бошқарган, кейинчалик ака – укаларидан бири вафот етгач Карманани бошқарган. Абдуллахон ИИ Шайбонийхон вафотиган сўнг парчаланиб кетган ҳудудни қайта тиклаган, марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ёшлик чоғидан қаттиқ кураш олиб бorgan. Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмадхон (Барақхон) билан Косон ёнида 1548 – йил шайбонийлар манфаатлари зид келган. Мўғлистон хони Абдурашидхон ва шайбонийлардан Дўстум султонлари қўшинига қарши Фароб ёнида 1554 – йилда жанг бўлиб ўтади. Ёш Абдулла султон ўзининг ҳукумдор сифатида 1551 – йил Карманада бўлган жангда намоён қилган²⁰. Шунингдик бу вилоятга Тошкентдан Наврўз Аҳмад ва Самарқанддан Абдулатифхон ҳужум қилган еди, бироқ зафар Абдуллахонга кучган еди. Сабаби Искандар султон Амударё ортига

¹⁸ Barakaev “Buxoro tarixi” nash. “o’qituvchi”. T. bet. 66.

¹⁹ B. Ahmedov “Ozbek ulusi” Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nash.”nur” T. 1992. 65 b.

²⁰ O’zbekistn Milliy ensklopidiyasi . I tom . “dav milliy nashriyoti” T. 2000. 32 b.

қочган бўлса, Абдуллахон отаси вазифасини ўз зиммасига олиб мувофақиятли қаршилик кўрсата олганди.

Кейинчалик ҳудудини Бухоро томонга ва жанубий шарқда Қарши ва Шаҳрисабз томонга кенгайтиришга интилан. Бу сай – ҳаракат дастлаб мувофақиятсиз чиққан, ҳатто 1556 – йил ота мулкини ташлаб Майманага қочишга мажбур бўган. У амакиси Балх ҳокими Прмуҳаммаддан ҳарбий ёрдам олиб, пири жўйбор хожаларидан Хожа Муҳаммад Ислон кўмагида Наврўз Аҳмадхон, кейинчалик унинг ўғиллари Дрвешхон ва Бобо султонларга қарши узоқ муддат кураш олиб борган²¹. Наврўз Аҳмадхон 1556 –йил вафот етгач дарҳол Кармана ва Шаҳрисабзда ўз ҳукумронлигини тиклайди. 1557 йил майида Бухорони қўлга киритади ва уни ўз пойтахтига айлантиради. 1561 – йил отаси Искандарни давла бошлиғи – хон деб ёллон қилиб, унинг номидан давлатни Абдуллахон бошқара бошлайди ва мамлакатнинг ҳудудини кенгайтириш учун 1574 – йил Балхни, 1578 – йил Самарқандни, Тошкент, Сайрам, Туркистонни 1583 – йили, Фарғонани еса 1583 – йил егаллайди. Аста – секин ҳужумини кенгайтириб 1582 – йил Даштга юриш қилиб Улуғ тоғга қадар борган. 1583 – йил Искандар вафот етгач, мамлакатни ўз номидан бошқара бошлайди. Марказий ҳокимиятга қарши 1583 – йил кўтарилган Маймана ва Гарчистон, шунингдек 1585 – йил Бадахшондаги тартибсиз ғалаёнлар бостирилди. Хоразмга еса икки марта юриш 1594, 1596 – йилларда бўлиб, у йерда марказий ҳокимият қайта тикланди. Абдуллахон ИИ мамлакатни яхлит ҳолда тиклаш учун қўшни давлатларга ҳам қарши ҳужум қилган. Туркия Моварауннаҳрда ўз таъсирини кучайтириш мақсадида Абдуллахон ИИ га қарши Бобо султонга ёрдам берган. Шунингдек Бобо султон турк аскарлари ёрдамида Абдуллахонга қарши Насаф ёнида жанг қилган²². Абдуллахон сафавийлар билан Хуросон Ғилон шаҳри учун курашиб ўз давлати тасаруфига қўшиб олади. Шу ўринда Шарқий Туркистонга қилинган юришда Қашқар ва

²¹ O'zbekistn Milliy ensklopidiyasi . I tom . “dav milliy nashriyoti” T. 2000. 32 b.

²² O'zbekistn Milliy ensklopidiyasi . I tom . “dav milliy nashriyoti” T. 2000. 33. b.

Ёркент вилоятларини тасаруфига ўтказган. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки Бобурийлар ҳам Бадахшон, Шимолий Афғонистон ва Хуросон учун Абдуллахонга қарши илғор курашлар олиб борганлар. Аини дамда Абдуллахон ҳам уларга қарши Синд ва Кашмирни 1583 – 1586 – йилларда егаллаб, давлатнинг жанубий чегараларини мустаҳкамлайди.

Абдуллахон даврида мамлакат худуди Қашқардан Орол ва Каспий денгизи соҳилларигача, Туркистон ва Сайрамдан хуросоннинг шарқий қисмгача бўлган йерлардан иборат еди. Абдуллахон ҳаётининг сўнги йилларида ўғли Абдулмўмин билан чиқишмай қолиши туфайли Абдулмўмин 1582 – йилнинг кузида Балхни отаси номидан бошқара бошлайди. Искандархон даврида Абдуллахон ҳақиқий амалда ҳукумдор бўлгани каби, Абдулмўмин ҳам кексайган отасига нисбатан шундай мавқеини егалламоқчи еди. Фақат уломаларнинг аралашуви туфайли ота – бола ўртасида очик кураш ҳаракатлари бошланмаган ва Абдулмўмин отасига бўйин егишга мажбур бўлган. Улар ўртасидаги муносабат кескинлашганидан хабар топган қозоқ хонларидан Таваккалихон Тошкент вилояти ва Тошкент – Самарқанд оралиғидаги йерларга бостириб кириб, унга қарши юборилган қўшини йенган. Унга қарши сафарга отланган Абдуллахон Самарқандга йетганда вафот етган

Абдуллахон фаол ташқи сиёсат олиб бorgan. Бу даврда шайбонийлар Ерон Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлар билан кенг дипломатик, иқтисодий, савдо алоқалари олиб бorgan. Абдуллахон (1557—1598 йиллар) хон бўлиб турган даврда Бухорони Шайбонийлар давлатининг пойтахтига айлантиради. Моҳир саркарда ва дипломат бўлган Абдуллахон мамлакатнинг тарқоқлигини тугатишга ва ўз йерларини кенгайтиришга интилади. У бир қанча ҳарбий юришлар қилиб, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Сапрам, Қарши, Марв, Ҳисор, Даштн Қипчоқ ва бошқа йерларни егаллайди. 1573 йилда Балх, сўнгра Ҳирот, Машҳад ҳамда бошқа шаҳарлар ва вилоятларни забт етади. Хива хонлиги ҳам ўзининг мустақиллигини йўқотиб, Бухоро хонлигига бўйсундирилади. Абдуллахон ўз таъсирни

Сибир хонлигига ҳам ёйишга уринади, аммо бу уринишлари зое кетади. Бухоро хонлик сифатида мустахкамлана боради. Абдуллахон даврида Бухоро ҳақиқатдан ҳам Ўрта Осиёнинг сиёсий ва маданий марказига айлана боради²³. Шунингдек, Шоҳ Махмуд Чурснинг «Тарих» асарини таржима қилган О.Ф.Акимешкин асарга ёзган сўзбошида; «...бу ёрда (Ёркенд хонлигида) қўшни Мовароуннаҳрдагичалик марказлашган давлат йўқ еди», деб фикр билдирган²⁴. Шарқшунос олим В.В.Бартолд еса «Абдуллахон ИИ бошқаруви камдан-кам содир бўладиган воқеа бўлиб, гарчи у ўз ҳокимиятини қаттиққўллик ва ҳарбий куч асосида барпо етган бўлса-да, нафақат бутун Мовароуннаҳрни, балки Хуросон ва Хоразмни бирлаштириб, кучли давлат тузди», дея таъкидлаган²⁵.

«Қасамий иттифок» шартномасига кўра 1579 йилларнинг охирларида Ҳақназархонга қарши исён кўтарган қозоқ қабиалари билан тил бириктириб, Тошкентни егаллаган Бобо султон (Наврўз Аҳмад Бароқхоннинг ўғли, Шайбоний султон)га қарши жангда қозоқ хони Абдуллахон ИИ ни қўллаб-қувватлаганлиги ҳақида ҳам “Абдулланома ” асарида тўхталиб ўтилади²⁶. Бироқ, Бобо султон ҳақида яна Дашти қипчоқ билан бўлган дипломатис муносабатларида келтириб ўтамиз.

²³ Barakaev “ Buxoro tarixi ” nash. “o’qituvchi” . T. bet. 67.

²⁴ Shayx Muhammad Churas. Хроника. С. 169.

²⁵ Bartold V.V. Узбекские ханства / Соч. В 9 т. - Москва: 1963. Т. II (1). С. 269.

²⁶ Hofiz Tanish Buxoriy Abdullanoma 1 – kitob 347 b. Abuseyitova M.X. Казахское ханство во второй половине XVI в. С. 56.

И. 3. Абдуллахоннинг хонлик сиёсий ҳаётида амалга оширган ислохотлари.

Бу даврга келиб Бухоро бозори ҳунармандчилик ва савдонинг айрим турларига хизмат қиладиган расталарга бўлинган еди: Абдуллахон замонида қурилган «Чорсу» бизнинг давримизгача сақланиб қолган. «Чорсу» бозоридаги кўчаларнинг бир-бири билан кесишиб ўтган жойида гумбазли бинолар қурилиб, бу биноларда телпакфурушлар (тоқи-телпакфурушон), заргарлар (тоқи-заргарон), сарроф-судхўрлар (тоқи-саррафон) ва бошқалар жойлашган еди. Шу йердаги бозорнинг устига 1587-йилда Абдуллахон тим қурдирган, яъни бошқа юртлардан мол келтирувчи савдогарлар учун мусофирхона солдирган. Бухорода кўпдан - кўп саройлар, мадрасалар, хонақолар, масжидлар қурилган. Масалан, 1570 йилда қурилган Ҳожи Саъдига қарашли Гавкушон ромли карвопсарой ва 1560 йилда қурилган Лийсак масчитига яқин жойдаги сарой ҳам улар бошқа юртлардан келган савдогарларга хизмат қиларди.

Шунингдек, Жоме масжиди, Мир Араб, Абдуллахон, Модарихон, Гавкушон, Кўкалдош мадрасалари, ҳаммоми саррофон бино қилинди. Шайбонийлар ҳукуролиги даврида Бухоронинг зодагон табақалари

муסיқага қизиқар едилар. Бу йилларда ўзбек ва тожик тилидаги поэзия равнақ топади. Диний фанлар, мусаввирлик, каллиграфия, миниатюра санъати қадрланарди.

Абдуллахоннинг мамлакат ички сиёсатидаги давлат бошқарув тизимини мустаҳкамлаш айниқса пул ислоҳати ўтказиш йўлидаги фаолияти натижалари, кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган. У кўплаб турли иншоатлар қуддирган. Ҳозиргача у халқ орасида у ёки бу иншоат қурилиши Амир Темури ёки Абдуллахонга нисбатан берилади²⁷.

Абдуллахон даврида Бухоро яқиндаги Сумитон (Жўйбор) мавзесида Жўйбор хожаларидан Абу Бакр Саид (970 | 971 – йил вафот етган) мазори атрофига мадраса, масжид, хонақоҳ ва чорбоғ 1558 – 1566 - йилларда, Бухорода Абдуллахон мадрасаси, ҳамом, Говкушон, Фатҳулла Қўшбеги, миракан Хожа Муҳаммад Порсо, Янги Чорсу 1569 – 1570 йилларда, тим (Абдуллахон тими), Кармана яқинида Зарафшон дарёси устига кўприк 1582 – йилда ва бошқа иншоатлар қурилди. Бундай иншоатлар ва қарвонсаройлар Самарқанд, Тошкент, Балх каби бир қанча шаҳарларда ҳам бунёд етилган. Тошкентда кўбобо Қўқалдош шарафига Қўқалдош мадрасаси қудиради. Шу жумладан қарвон йўлларида сардобалар, работла, каналлар, сув омбарлари ва Искандар кўприги билан машҳур бўлган Ёшкўприк бунёд еттиради²⁸.

Абдуллахон банди – 16 асрнинг 80 – йилларида Абдуллахон томонидан қурилган сув омборидир. Бу иншоат қолдиқлари нурота тумани марказидан 65 км шарқда, Ески Оқчоб қишлоғи яқинидаги Бекларсой дарасида ҳозирги кунда сақланади. 1957 – 1962 – йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси тарих ва археология институте олимлари томонидан ўрганилган. Абдуллахон бандининг тўғони сланс тошлардан қурилиб, тош палахсалари сувига чидамли махсус ганч қоришмаси – қир билан

²⁷ Maradjabova F. E. «К истории Ташкентского Восстания 1558 года» markaziy Osiyo tarixi: manbashunoslik va tarixshunoslik izlanishlar. I ilmiy to'plam T. 2009. 179. b.

²⁸ B. Ahmedov “Tarixdan saboqlar” “O’qituvchi” nash. T. 1994. 394 b.

беркитилган. Тўғоннинг узани асосида 73 м, юқорисида 85 м, баландлиги 14,5 м бўлган. Бунда сув босими ҳамда унинг ағдарувчи кучи ҳисобга олинган ҳолда тўғон асосининг қалинлиги 15,3 м, устки қисми 4,5 м қилиб зинапоя шаклида қилиб қурилган. Тўғон олдида ҳосил бўлган сув омбарининг узунлиги 1,5 км, ени 75 – 125 м гача бўлган. Абдуллахон банди тахминан 1,2 млн. Кубаметр сув тўпланган. Иншоатдан қуйида жойлашган камар, оқчоб, Ўрганжий, Равот, Жилон – тамғали ва Сойкечар қишлоқлари атрофи суғорилиб обод етилган. XVI асрнинг ана шу қишлоқлар ҳудуди тахминан 1,2 минг га йер майдони ўзлаштирилган²⁹.

Абдуллахон мадрасаси Бухородаги Қўш мадраса ансамблининг шимолий қисмида жойлашган меъморий ёдгорликдир. Бу мадрасанинг меъмори номаълум бўлиб, Абдуллахон буйруғи билан 1588 – 1590 йилларда қурилган. Тузилиши одатдаги мадрасалардан анча фарқ қилади. Ҳовли атрофини икки ёнли ҳужралар ўраб турибди, шунингдек ҳар икки томонида баланд пештоқ жойлашган. Пештоқлар орқали ички хоналар ва хонақоҳга ўтилади. Бу мадрасада Бухоро меъморчилигининг XVI асрда еришган барча ижодий ютуқларини намоёниш этади.

Абдуллахон тими Бухородаги енг катта усти берк савдо растаси бўлиб у Абдуллахон буйруғи билан 1577 – йилда барпо етилади. Бу тимнинг асоси мурабба тархли (39 x 42 м), 3 томони берк, бош тарзидаги пиштоқ орқали кирилади. Бухородаги савдо расталарининг чорус – тоқ бинолари ичида енг каттаси ва шакли шамоёйили жиҳатдан анча мураккаб ва хушбичим ҳисобланади. Шунионгдек бу мажмуалар би қанча тамирланган.

Рассом Шайхзода Маҳмуд, Абдулла кабилар миниатюрачи-колаиграфлар мактабининг кўзига кўринган раҳбарлари едилар. XVI аср Бухоро наққошлик мактаби узоқ давр кўшни мамлакатларнинг бадий санъатига катта таъсир кўрсатган¹¹. Масалан, XVI аср бошларида Туркияга борган машҳур Бобо наққош Туркияда наққошлик мактабини

²⁹ O'zbekistn Milliy ensklopidiyasi . I tom . “dav milliy nashriyoti” T. 2000. 33b.

ташқил қилган еди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Шайбонийлар даврида ҳам кўркемлиги жиҳатидан теуурийлар даврида қурилган бинолардан қолишмайдиган бинолар қурилган. Бухоро янада кўркемлашган, айниқса унинг ташқи қиёфаси гўзаллашган. У туб маънода қайта қурилган. Шаҳар режаси ўзгарган, йирик ансамбллар пайдо бўлганки, булар шаҳар қиёфасига яна ҳам обод кўркемлик ва жозиба бахш етган. Уша давр архитектурасига хос қурилиш иншоотларининг аксарияти ҳозиргача сақланиб қолган.

XVI асрга келиб Бухоронинг сиёсий роли кучайиши билан Бухоро деворини қайта қуриш, шаҳар чегарасини бир оз кенгайтириш еҳтиёжи туғилади. Шаҳарда ҳунармандчилик ва савдони янада ривожлантиришга имкон берадиган чора-тадбирлар кўрилади. Шаҳар ичида савдо расталари ва ҳунармандчилик дўконлари учун кенг жойлар бунёд етилади.

Бобур авлодларининг саройларида адабиётга қизиқиш жуда ҳам тез авж олди ва улар Ўрта Осиё адабиётининг намояндалари узвий алоқа боғлаб турдилар. Шуниси қизиқки, Ўрта Осиё шоирларининг Гарбий Йевропа кутубхоналарига бориб қолган кўркемларининг кўп қисми Ҳиндистондан, ҳиндларнинг кўпгина кўркемларни еса Ўрта Осиёдан топган. Булардан «Бобурнома» кўркемаси диққатга сазовордир. Бу кўркема ески ўзбек тилида ёзилган бўлиб, унда Ҳиндистон тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилади.

Ҳинд антологияларида Ҳиндистонда кенг танилган Ўрта Осиё шоирларининг номлари тез-тез тилга олинади, ҳинд шоирлари ва тарихчилари ҳам Ўрта Осиё халқлари орасида кенг поралган. Масалан: «Тарихий фаришта», «Табоқати Акбаршоҳий», «Акбарнома», «Жаҳонгирнома», «Иқболномаи Жаҳонгир», «Ҳумоюннома» каби асарлар

ва бошқа китоблар кенг тарқалган еди³⁰. Бу асарларда хинд халқининг ХВИ—ХВИИИ асрлардаги тарихи, економикаси ва маданияти тўғрисида қимматли маълумотлар бор, худди ўша адабий алоқа туфайли XVI асрнинг иккинчи ярмида ва ХВИИ аср бошларида Ҳиндистонда форс тилида ижод этган машҳур шоир мутафаккир олим Мирза Абдуқодир Бедил Ўрта Осиё адабиётига самарали таъсир етди, унинг асарлари кенг халқ оммасига тарқалди. XIX асрнинг охирида ва XX асрнинг бошларида буюк ўзбек демократ шоири Фуркат Ҳиндистонда уч йил яшади. Фуркат Ҳиндистонда хинд халқлари тилларни, шу жумладан ўрду тилини ўрганди. Фуркат Ҳиндистон тўғрисида бой адабий асарлар ёзиб қолдирди. Фуркат Ҳиндистондан юборган хатларида хинд шаҳарлари, хинд халқининг урф-одатлари, санъати, маданияти тўғрисида батафсил маълумот беради. Фуркат хинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган мардона курашини алоҳида таъкидлаб ўтади³¹.

Ўрта Осиё халқлари билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқа қилиш билан чекланиб қолмади, У рус халқи билан ҳам худди ана шундай қизғин алоқа боғлади. Машҳур рус тарихчиси Н. М. Карамзин русларнинг Ҳиндистон тўғрисидаги, ҳиндларнинг Россия тўғрисидаги билимларини оширишга кўп жиҳатдан ёрдам берган рус сайёҳларининг хизматлари ҳақида гапирган еди. Рус савдогарлари Ўрта Осиё хонликлари билан савдо қилибгина қолмади, улар Ҳиндистонга ҳам ўз товарларини олиб бориб сотди.

ХВИ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илмфан ва маданият ҳам бир қатор ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Яъни шу жумладан Бухорода фан ва маданият гуллаб – яшнади. Абдуллахон ҳукумронлиги даврида шаҳар атрофида тахминан (6 – 7) фарсах масофада жойлашган Сумитон (Жойбор) қишлоғини ҳам шаҳарга қўшиб олиб, унинг жанубий – ғарбий томонида янги девор бунёд етиради Шунингдек Сумитонда,

³⁰ В Ahmedov “Tarixdan saboqlar” “O’qituvchi” nash. T. 1994. 395 b.

³¹ Osha adabiyotdan 33b.

Жўйбор хожаларнинг бобокалони Абубакр Саъд мақбараси атрофида масжид, мадраса ва хонақоҳ бунёд еттиради. Айниқса бу меъморий обидалар атрофида ажойиб боғ – роғлар ҳам бунёд еттиради. Сумитондан то шаҳар марказигача кенг хиёбон чиқарилиб, унинг атрофига чиройли дарахтлар бунёд еттиради. “Абдуллонома” асарида бу обида ҳақида: “Тангри таоланинг қўллаб – қувватлаши билан хонлик курсиси ва жаҳондорлик мансаби соҳибқурон ҳазратларига қарор топиб, кунлар сахни ул ҳазратнинг адолат нурлари ва марҳамат асарлари билан безалгач, ўзидан кейин нодир иншоатлар, яхши ном ва есталиклар қолдиришни истади... халқ муқтадосининг (хожа Муҳаммад Исломи) улуғ боболари имом Абубакр Саъднинг нурлари файзли мазори ёнида хонақоҳ, масжид, мадраса ва бошқа оилӣ бинолар қуриб, атрофини чиройли боғ – роғлар билан безашни хоҳлаган ва уни буюрган. Шунингдек тарихий манбаларга қарайдиган бўлсак ўша давр замонида муҳандислар, меъморлар жуда қобилиятли ва масулятли бўлганлар. “Шарафномаий шоҳий” асарининг муаллифининг маълумотига кўра, Сумитон шаҳри қўшиб олинishi ва уни обод қилиш ишлари, Бухоронинг ҳам обод бўлиши қарийиб ўн йил давомида (1559 - 1568) бажарилган. Шунингдек Абдуллахон яна бир қанча обидалар бунёд етишга мувофиқ бўлади. Шу жумладан Фатхулла қўшбеги, хожа Муҳаммад Порсо мадрасаси, янги Чорсу 1570 – йил, Кармана яқинидаги Зарафшон устига кўприк 1582 – йил қурилган³². Уларнинг оддий халққа жуда ҳам фойдаси катта бўлган, шунингдек аҳоли учун доимий фойдаланадиган таянч жойлар бўлиб қолган. Дарҳақиқат Абдуллахон тими ёпиқ бозор бўлиб у нафақат Моворауннаҳр, балки бутун жаҳонда ҳам машҳур бўлган. Самарқанд, Тошкент, Балхда ҳам ана шунингдек масжид мадраса, хонақоҳ, ва бозорлар барпо етилган. Айни бир пайтда Абдуллахон сув иншоатларини ҳам барпо еттирган. Шулар жумласига Вахш, Зарафшон, жайхундан наҳрлар чиқарилиб, кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар обод етилди.

³²B Ahmedov “Tarixdan saboqlar ” “O’qituvchi”nash. T. 1994. 394. b.

“Абдулланома” асарида келтириб ўтилишича Бухоро, Самарқанд ва Балх шаҳарларини, балки Тошкент, Термз , Кўлоб, Ҳирот шаҳарлари ҳақида ҳам еътиборга сазовар маълумотлар келтирилган.

Хонликнинг ижтимоий истисодий аҳволи борасида келтирилган маълумотлар орасида “иқтойти”, “суюрғол”, “танҳо”, ва “жогир” улус тартиби ҳамда унинг ижтимоий – сиёсий ҳаётидаги аҳамияти ва ўрни аҳолидан йиғиладиган турли – туман солиқ ва мажбуриятлар: хирож – мол мулкдан олинадига солиқ, ихрижот, тағор, улуфа, қўналға, беггар, мадади лашкар, бож, тамға, тансуқот, тухфа, (савға, тортиқ, ҳадя) ва бошқалар халқнинг асосий мажбуриятлардир. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳукуматнинг қўшни ҳудудларга юриш қилиш ҳам феодализм жамиятида муҳим ўрин тутган. Жиззах, Насаф, ҳисори Шодмон, ва Жайхуннинг сўл қирғоқларидаги вилоятлардаги йерларга маҳаллий аҳолини сафарбар қилиш йўли билан атрофидаги ҳудудларни ўзлаштирган.

III. БОБ. Абдуллахоннинг сиёсий ҳаётда дипломатиянинг ўрни.

ИИ. 1. Абауллахон ва Акбаршоҳ хонлик ўртасидаги дипломатик муносабатлар.

Бухоро тахтини Абдуллахон Ҳиндистон тахтини еса Акбаршоҳ егаллаганларидан кейин ўз давлатларини мустаҳкамлашга, шу ўринда мустақил ва ярим мустақил хон ва князликларни бўйсундиришга, янгидан янги ўлкаларни босиб олишга киришди. Абдуллахон ўз даври нинг қудратли ҳукумдори сифатида халқ кўзида гавдаланди. Шунингдик Абдуллахон давлатини мустаҳкамлаш учун бир қанча ўлкаларга зафарли юришлар олиб борди ва ўлкан ҳудудларни қўлга киритди.

1573 – йил Балх ва Ҳиротни, 1574 – йил Шаҳрисабз, Қарши ва Ҳисорни қўлга киритди. Аини шу пайтда Ҳиндистон ҳукумдори Акбар Малва, Гондван, Читор, Гужаратни босиб олди. 1576 – йил Абдуллахон Самарқанд ва Тошкентни, Акбар еса Бенгалияни босиб олди. 1581 – йилда Абдуллахон қипчоқ хонлари қозоқ Сигаё (Шигаё) ва унинг ўғли Таваккулни аввалқурол кучи билан сўнг катта ҳадия суюрғол бериш билан ўзига қарамқилб олди³³. Абдуллахон кучли билим соҳиби ва теран фикирлайдиган буюк шахс бўлган дея олишимиз мумкин. Негаки у бутун илмий салоҳияти билан давлатни қудратини кенгайтира олган. Абдуллахон ҳудудини кенгайтиришга давом етаётган бир пайтда у еътиборини Қандаҳорда қаратади. Лекин бу пайтда Акбарнинг қудрати Абдуллахоннинг режаларига имкон бермайди. Натижада Абдуллахон Акбарнинг иттифоқига суяниб сафавийларнинг йерларини босиб олишга ҳаракат қила бошлайди. Натижада ҳар иккала давлат ўртасида дипломатис муносабатларнинг кучайишига олиб келади. Ҳид тарихчиси Рамиш Чандира Варма XVI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги дипломатис муносабатларни икки даврга бўлиб тушинтиради. 1) 1555 – 1589 йиллар Абдуллахоннинг Ҳиндистонга агресив сиёсат олиб борганлиги; 2) 1588 – йилдан бошлаб Акбарнинг ўлимига қадар (1605 бўлиб,

³³ Nizomiddinov I “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari” “O’zbekiston SSR Davlat nash”. T 1961 b. 12.

Ҳиндистонинг Ўрта Осиёга ҳисбатан зўравонлик сиёсатини бутунлай ёритиб беришга ҳаракат қилади³⁴. Абдуллахон Ерон ҳукумдори Аббос II га қарши курашиш учун иттифоқи бўлган давлат Ҳиндистон билан дипломатик муносабатлари 1572 – йил Дехлига Олтамишни елчи қилиб юборишидан бошланади. Елчи Абдуллахоннинг ҳар иккала давлат ўртасида давом этиб келаётган дўстлик алоқаларининг кучайтириш ҳақидаги мактубини топширади. Акбаршоҳ Олтамишни Гужаратни босиб олгандан кейин қабул қилга тарихчи Варманинг маълумотига кўра елчи Акбаршоҳга сафавийларнинг йерларини бўлиб олишни ҳам таклиф қилган ва Акбаршоҳ буни сир сақлаган дейди. Бироқ бу таклиф бўлмаган деган фикрларни олимларимиз қуйидаги сабаб орқали аниқлик киритади: 1) Абдуллахон ҳали Моворауннаҳр ва Балхни ўзига буткул бўйсундирмаганлигини; 2) ўша даврда Еронда Техмасп подшоҳлик қилиб турган вақтда (1524 – 1576) тахт учун ўзaro кураш кучаймаган. Шунинг учун Олтамиш елчилиги ҳали сафавийларнинг йерларини бўлиб олиш юзасидан таклиф қилиши еҳтимолдан узоқ еди. Чунки елчи олиб бorgan мактубда Абдуллахон ҳинд императорининг ёрдамига суяниб, Туронда ўз душманлари устидан ғалаба қозонишини айтган ед³⁵. Акбаршоҳ елчи орқали Абдуллахон номига юборган мактубида дўстлик муносабатларини ўрнатишга рози эканлигини билдирди.

Абдуллахон елчиси Ҳиндистондан ўзюртига қйтиш арафасида Бадахшонда ҳокимят учун ўзaro кураш бошланганлигининг дарағи келади. Бунда Абдуллахоннинг қўли борлигини Акбаршоҳ гумон қилади. 1577 – йилда Абдуллахоннинг иккинчи елчи Абдурахим Ҳиндистонга келади. Елчи Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида Еронни бўлиб олишни таклиф қилади. Натижада Акбаршоҳ ўз елчиси Мирза Фулод бошчилигида Абдуллахон саройига жавоб елчиларини жўнатади. Ҳинд елчиси Еронинг

³⁴ Nizomiddinov I “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari” “O’zbekiston SSR Davlat nash”. T 1961 b 13

³⁵ Nizomiddinov I “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari” “O’zbekiston SSR Davlat nash”. T 1961 b 14

мусулмон давлати еканлигини еслатиб, Акбаршоҳ рози эмаслигини айтиши керак еди. Шу жумладан елчи зиммасига иккинчи вазифа Абдуллахоннинг Бадахшон давлатига бўлган муносабатини аниқлаш ва уни қуролли куч билан емас дипломатис муносабат орқали ҳал етиш чораларини кўришни топширган ед³⁶и. Абдуллахон 1583 – 1584 – йилларда Бадахшонга ҳужум қилиб босиб олди ва Бадахшон ҳокими Мирза Сулаймон ва унинг набираси Шохруҳ Акбардан ёрдам сўраб Деҳлига боради. Абдуллахон Мирқурайш бошчилигида елчини Ҳиндистонда Акбаршоҳ ҳузурига жўнатади ва унда Бадашонинг босиб олиниш сабабларини тушунтиради. Бироқ немис олими Г. Ноер ўрганиб чиққан ҳиндманбаларида Мирқурайиш елчиси Ҳиндистонга хинд саркардаси Тодар Малнинг Ҳайбардаги афғонқабилалари устидан қилган ғалабасидан сўнг хинд кўшинларининг ўзбек йерларига ҳам бостириб келишларидан хавфсираниб юборган елчилигиди³⁷. аслида мақсад Еронга қарши кураш Акбаршоҳ билан келишиш еди. Мирқурайиш елчилиги Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртадаги муносабатларнинг узок муддат тўхтаб қолишига сабаб – Ўрта Осиёда император Акбарнинг ислом дини қоидаларидан возкечганлиги ҳақида нотўғри маълумотларнинг тарқалиши ва ўзбек хонинг ички курашлар билан шуғулланиб қолганлиги, деб кўрсатади. Абдуллахон томонидан Бадахшоннинг босиб олиниши гуё Шохруҳнинг ўзбошимчалик ҳаракатларидан келиб чиққан емиш. “Тарихи Акбаршоҳ” асарида еса Мирқурайишнинг елчилиги саройга келмасдан олдин, Турондан Акбарни хурсанд қилиш учун енг яхши ўйноқи кабутарлар билан кабутар ўйнатувчи кабутарбозлар келишган. “Шу куни – деб ёзади автор, - Назарбий ва унинг болалари Қамбарбий, Шидибий ва боқибийлар қудси (муқаддас) остонасига сажда қилиб, пишоналарини ёрқин қилдилар. Турон елчилари шу вақт Синд дарёсида ётган бўлиб, Зобулистон тупроғида едилар. Кутал, от ва туялар катта қийинчилик билан дарёдан ўтдилар³⁸”.

³⁶ Nizomiddinov “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari”. “O’zb SSR dav nash” . T. 1961. b. 15

³⁷ Nizomiddinov “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari”. “O’zb SSR dav nash” . T. 1961. b. 16

³⁸ Nizomiddinov “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari”. “O’zb SSR dav nash” . T. 1961. b. 17

Миркурайиш – сайидлар уруғининг энг яхшиси от, туя, юрға хачирлар, яхши пустин, тери ва бошқанафис молар билан оилй даргоҳга диломуз дўстлик ҳақидаги нома билан юборилди.”Тарихи Акбаршоҳ” да келтирилишича Акбаршоҳ касаллиги сабабли узок вақт Миркурайишелчисини қабул қилмаган, сўнгра бу ҳол елчиларни ташвишга солгач, улар Акбарни Акбар янгисолган 21 – девонхонада қабул қилганлиги ҳақида баён қилади. Шунингдик хисравон зиёфат берилди деб айтаги³⁹. Ҳақиқатдан Миркурайиш елчилиги узок вақт давом етган саёҳатдир. Тарихчи Уминяковнинг фикрича елчиларнинг узок муддат давомида қабул қилинмаганлиги бу албатта Акбаршоҳ қудратининг қай даражада юқорилигини кўрсатиш еди деб келтириб ўтади. Бунинг сабаби ўш пайтда империяда Кашмирни егаллаш учун кураш бормоқда еди. Кашмир бўйсундирилгандан кейин Миркурайиш елчисига ўз ватанига қайтишга рухсат берилганлигини айтиб ўтади.

1586 – йилнинг август ойида Миркурайиш бошлиқ елчиларнинг Ҳиндистондан ўз юртларига Акбар томонидан Абдуллахон хузурига юборилган ҲакимҲамом ва Садр Жаҳон елчилиги биланбиргаликда қайтиб келадилар. Ҳаким Ҳамом давлат ишлари билан келган елчи бўлса, Садр Жаҳон Абдуллахоннинг отасининг ўлими муносабати билан таъзия учун юборилган Акбаршоҳ елчиси еди.

1587 – йилнинг феввалида елчилар Кобулдан Ҳиндистон елчилари билан қайтиб келаётганлиги ҳақида хабар Абдуллахонга йетиб келади. Абдуллахон елчиларнинг келиши биланоқ уларни ўз мансабларига мос равишда саройдан ўринлар ажратишни амалдорларига буюради. Ундан ташқари Кобул ҳокимиға елчиларни кўп ушлаб турмаслиги ҳақида мактуб юборади. Миркурайиш бу буйруқни ешитгач у, 1587 – йилнинг ойида дарҳол Балхга жўнайди ва у йердан сентябрда ҳинд елчилари билан бирга Абдуллахон саройига келади. Елчиларни Ҳожи Муҳаммад, Ҳайдар Муҳаммад Муншийлар тантанали қабул қиладилар. Ертаси куни еса

³⁹ Nizomiddinov “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari”. “O’zb SSR dav nash”. T. 1961. b. 18

елчилар шарафига Султон Ҳусайин Мирзо мадрасасида катта базм бўлади. Унда Абдуллахоннинг амалдор ва вилоят ноиблари ҳам мансабларига қараб ўрин егаллайдилар, шу жумладан елчилар ҳам. Базмда варақи тун кийган, қиличлари марварид ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилган махсус хизматчилархизмат қилди. Абдуллахон ҳузурида бўлган ҳинд елчилари Ҳаким Ҳамом ва Садр Жаҳонлар ўз урф – одатларига мос ҳукумдорга илтифот кўрсатади. Яъни Ҳаким Ҳамом хон олдида келиб, кафтини йерга теккизиб, тепага кўтаради. Бу ҳолатни йигирма йитти марта такрорлайди ва Абдуллахон тахти яқинига тизза билан юриб келиб унинг кўлидан ўпади ва Акбаршоҳдан келтирган ҳадия ва тортиқларини тақдим этади. Елчилар ертаси куни Абдулмўмин ҳузурида бўлади. Абдуллахон буйруғи билан елчилар ҳар куни ноиб ва амирлар ҳузурида болишни буюради ўзи еса Ҳирот ухун курашга жўнади. Елчилар Мирқурқийиш бошчилигида Бухорога жўнайди, уларни Нуриддин Муҳаммад яхши кутиб олади. Чунки Абдуллахон елчиларга яхши қараб туришни унга буюрган еди⁴⁰.

Ҳинд елчиси ўзи билан Акбаршоҳнинг Абдуллахонга махсус йўллаган мактубни келтиради. Мактубда Абдуллахоннинг ўз мамлакатини идора қилишда бошқа мамлакатлар билан ўрнатилган дўстлик муносабатларида унинг тутган ўрни, Абдуллахоннинг Акбаршоҳни ислом динига нисбатан тутган позисиясини қоралаш тўғрисида ёзилганди⁴¹. Акбаршоҳ мактубида у чин мусулмонлиги, ислом дини қоидалари бузулишига урунмаганлиги, фақат уломолар ҳал ета олмаган масалаларни ҳалетишга урунганини таъкидлайди. Сўнгра Ерон масаласига тўхталиб, ҳозирда Ерон шоҳига фақатгина унинг амалдорларигина бўйсунмай қолмай, балки турк султони ҳам фурсатдан фойдаланиб кўп ерон йерларини босиб олмоқда. Шунинг учун ерон шоҳи мушкул ҳолатга тушган бир пайтда унга

⁴⁰ Nizomiddinov “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari”. “O’zb SSR dav nash”. T. 1961. b. 19. b.

⁴¹ Mirkomil Sodiqov “Buxoro amirligida elchilik munosabatlari” Moziydan Sado jurnal 2002 . 4 to’plam 26 b.

ёрдам қўлини чўзишни ўзининг вазифасидеб ҳис қилади. Мактубда Бадахшоннинг босиб олиниши ҳақида сўз юритилмаган. Де мак Ҳиндистон ҳукумдори Абдуллахон билан муносабатини ёмон бўлишини хохламайди. Ундан ташқари мактубда Еронни бўлиб олиш ҳақида аниқ фикр айтмаган бўса ҳам, лекин Ерон давлатларининг бир қисмини босиб олишни хоҳлаган ва шунинг учун Абдуллахон билан иттифоқчилигини давом еттиргани. Бу билан Акбаршоҳ ҳарбий ва савдо нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга бўлган Қандаҳор шаҳрини ўз давлатига қўшиб олмоқчи ва Акбаршоҳ империясининг шарқий раёнларига Абдуллахоннинг ҳужумини олдини олишни ва Еронга қарши урушда гўё кофир – шияларга қарши курашда қатнашган бўлиб, ўзини ҳақиқий ислом тақводори сифатида кўрсатмоқчи еди⁴².

Ҳинд ёзувчиси Рамеш Варманинг фикрича Абдуллахон билан Акбаршоҳ ўртасида Еронни бўлиб олиш тўғрисида ўзаро шартномаси бўлган аммо уни сир сақлашган дейди. Бундай дейишига сабаб Абдулмўминнинг Туркия султонида ёзган мактубида ва Имомқулихоннинг император Жаҳонгирга ёзган хати билан тасдиқлайди⁴³.

1580 – йил Ҳаким Ҳамом Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга қайтади. У Абдуллахоннинг хати билан бирга Акбаршоҳ саройига тайинланган ўзбек елчлари сифатида Аҳмад Али оталиқ ва Мирсадр Жаҳонлар борадилар. Абдуллахон Акбаршоҳ номига йўллаган хатида унга миннатдорчилик билдиради, гўё Акбарнинг илтифоти билан Абдуллахон Ҳирот ва Хуросонни забт етишга мувофиқ бўлган.

Шунингдек Абдуллахон кексайиб қолганлиги ва унга жаҳонгашталиқ ишлардан чарчаб қолганлиги, бунинг устига унинг ўғли Абдулмўминнинг ўзбошимча ҳаракатлари уни чўчитмоқда еди. Бундан ташқари ерон шоҳи Аббос Хуросон ва Амударёгача бўлган йерларни босиб

⁴² Nizomiddinov “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari”. “O’zb SSR dav nash”. T. 1961. b. 19-20

⁴³ Nizomiddinov “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari”. “O’zb SSR dav nash”. T. 1961. b. 20.

олишга астойдил киришган еди. Шу мақсадда Аббос Туркия билан 1590 – йил сулҳ тузишга мувофиқ бўлган еди. Шу ўринда Аббос Акбар билан ҳам иттифоқ тузишга ҳаракат қилади. Бу ҳолат албатта Абдуллахонни ташвишга солиши табиий, негаки Бадахшонда Муҳаммад Замон деган шахс ўзини Шохрухнинг ўғли деб еълон қилган еди. Ундан ташқари у Акбарга ҳам иттифоқ бўлиш тўғрисида мактуб йўллаганди. Бир йил ўтгандан сўнг Муҳаммад Замон Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўминни мағлубиятга учратди ва Абдулмўмин ҳам Ҳиндистонга елчи жўнатди, бироқ елчи Желумга келганда бевақт вафот етганди. Абдулмўминнинг елчиси саид Муҳаммад Содиқ Али “Акбарнома”асарига келтирилишича Акбарнинг буйруғи билан бўғиб ўдирилган дейилади. Лекин буни исботловчи факт йўқ⁴⁴.

Абдуллахоннинг Мавловий Ҳусайин бошлиқ елчилари Акбар саройига келади. Бу вақтда Акбаршоҳнинг узоқ вақт Панжобда қолиши Абдуллахонни хавотирга солиб қўйган еди. Бунинг устига Абдулмўминнинг қалтис хатти – ҳаракатлари Ҳиндистон билан муносабатининг кескинлашига олиб келмоқда еди. Шунинг учун Мавловий Ҳусайин Абдулмўминнинг ножўя хатти – ҳаракатлари учун узр сўраб, Акбарни Ерон ҳукумдорининг агрессев хатти ҳаракати учун унга қарши иттифоқ бўлишга чақирди. Кейин еса Акбаршоҳнинг Панжобга кўп муддат қолганидан ўзбекхони шубҳаланаётгани ҳақида тўхталиб ўтди. Мавловий Ҳусайин 1592 – йил Лаҳор шаҳрида вафот етганлиги туфайли Абдуллахон 1594 – йил Мулк Салоҳ Бухорий раҳбарлигида елчиларни Акбарнинг саройига жўнатади.

Ўзбек хонлигининг заифлашиб бораётганини сезган ҳинд давлати ҳудудидаги мўғул империяси Заминдовар ва Гармсир йерларини ўзбеклар қўлидан тортиб олади. Шу ўринда Қандаҳор шаҳри ҳам бобурийлар сулоласининг мулки тасруфига ўтади. Акбарнинг давлати энди Абдуллахон давлатида қарши мувофақиятли куташ олиб бориши, Бадахшин, Балх ва

⁴⁴ Nizomiddinov “O’rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari”. “O’zb SSR dav nash”. T. 1961. b. 21.

бошқа ўзбек йерларини босиб олиш имконияти катта еди. Шу сабабли Акбар ўз ўғиллари ва сарой амалдорлари билан бир қанча маслаҳатлашди, аммо улар бирор ижобий фикрга келолмади. Ўрта Осиёда узоқ вақт уруш олиб боргандан кўра Ҳиндистон Деканга қарши кураш олиб боришни афзал кўрардилар, натижада 1596 – йилдан бошлаб Декан шахрига қарши ҳужум бошладилар. Ҳиндистон билан Ўрта Осиё давлатлари ўртасидаги дўстлик муносабати сақланиб қолди. Абдуллахон 1597 – йилнинг 9 сентябрида Акбаршоҳ давлатидан келган елчилар хўжа Ашраф ва Султон Ҳусайинларни тантанали қабул қилади. Елчилар ўзлари билан бирга Акбаршоҳнинг тахтини келтиради, бу хатда: 1) акбаршоҳ давлатининг ўзбек давлатига ҳеч қачон ёмон ниятда бўлмаганлиги; 2) Шоҳ Аббос И Акбаршоҳ саройига ўз елчилари Ёдгор султон Шамлуни Абдуллахон давлатига қарши кураш йўлида Ерон – Ҳиндистон иттифоқини тузиш учун юборганда, Акбаршоҳ давлатининг бунга рози бўлмаганини, Абдулмўминни Акбаршоҳ ўз жияни деб билгани, уни авф етганлиги ҳақида хатда келтирилади. Шу ўринда Қандаҳорни ўзбеклар Ерон шахри деб, унга ҳужум қилишларининг олдини олиш учун империяси ҳудудига қўшиб олганлиги ҳақида Акбаршоҳ келтириб ўтади.

Ҳар иккала давлат ўзаро дўстлик муносабатларини сақлаб қолишдан манфаатдор еди. Акбаршоҳ империяси Абдуллахон учун Ерон босқинчиларига қарши курашда бетараф позисияда туриши аҳамиятли бўлса, мўғул империяси учун ўзбек хонлиги билан дўст бўлиши Ҳиндистоннинг ҳали тобе бўлмаган ўлкаларни босиб олишни мувофақиятли тамомлашда империянинг шарқий ўкаларда осойишталик ҳукм суриб туриши учун зарур еди.

Ҳинд елчилари Султон Ҳусайин ва хўжа Ашрафлар ҳиндистонга қайтишда уларни абдуллахон буйруғи билан Мирқурайиш кузатиб боради.

Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўмин 1599 – йил ўлгандан кейин шайбонийлар сулоласидан хон тахтини егалловчи киши қолмаган еди. Шу ўринда хон чингизийлардан бўлиши шарт еди.

Буюк Бобур сулоласидан бўлган Ҳиндистрн императори Акбар (1556—1605 йиллар) Бухоро хонлиги билан дўстона муносабатни мустаҳкамлаш мақсадида Бухорога ўз елчисини юборди. Елчи ўзбек хони Абдуллахонга совға ва хат олиб келди. Абдуллахон ҳинд елчисини тантанали суратда қабул қилди ва 1572 йилда ватанига қайтиб кетаётганда Ҳиндистонга Бухоро хонлигининг елчисини қўшиб юборди⁴⁵. XVI асрнинг Иккинчи ярмида Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон давлати бир-бирларига тез-тез елчи юбориб турди. Масалан, 1577, 1586,- 1591 йплларда Бухородан Ҳиндистонга елчи юборилди. Уларни юборишдан мақсад икки давлат ўртасидаги ҳар қандай жанжалли масалаларни бартараф қилиш ва дўстона муносабатлар ўрнатиш, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлаптириш еди. Бухоро елчилари Ҳиндистонга бир неча бор келиб кетгандан кейин, Ҳипдистон императори Акбар 1577 йилда Бухоро хони Абдуллахон ҳузурига Мирза Пўлат ва 1586 ййлда Ҳаким Хумом бошчилигидаги ўз елчиларини юборди. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган Франсуа Берненинг хабар беришича, 1658 йилда Ҳиндистон подшоси Аврнлгзебнинг тахтга чиқиши муносабати билан уни табриклаш учун Бухоро хони Ҳиндистонга елчи юборди. Бу елчилар орасида Самарқанд ва Балх ҳокимларининг елчилари ҳам бор еди. Елчилар ҳинд давлати пойтахти Дехлида тўрт ойдан ошиқроқ бўлдилар. «Елчилар, — дейди Франсуа Берне, — зангори тошлардан ясалган, сараланган сандиқча, жуни узун туя, жуда ҳам ажойиб отлар, бир неча туяда юк, ҳўл ва қуруқ мева олиб келдилар. Дехлидан Бухоро елчиларини катта иззат-еҳтиром билан кузатадилар, подшоҳ ҳамма амирларнинг иштирокида елчиларнинг ҳар бирига қиммат баҳо •сарпс тухфа қилди ва уларнинг ҳар бири уйига саккиз минг рупиядан пул олиб боришни топширди. Бундан ташқари, подшоҳ елчилардан хонларга атаб чиройли сарпо, моҳирлик билан тикилган жуда кўп қиммат баҳо ва нафис зарбоб тўнлар, тилла ва кумуш тасмали жуда нозик шойи

⁴⁵ Ermatov "O'rti Osiyo Rossiya va Hindiston xalqlari o'rtasidagi do'stona aloqalar tarixi" "O' SSR Dav nash" T. 1959. 23. b.

газламалар, бир нечта гилам ҳамда қиммат баҳо тошлар билан безатилган иккита ханжар бериб юборди»⁴⁶.

Ҳиндисток билан Ўрта Осиё ўртасидаги иқтисодий Бобурийлар империяси даврида айниқса жонланиб кетди. Ҳиндистон императори Аурангзеб 1680 йилда Бухорога ўз елчисини юборди. Бу елчи Бухоро хони Субҳонқулихонга Аурангзебдан мактуб келтирди. Субҳонқулихон ҳинд елчисини тантанали суратда қабул «илди ва унданъимператор Аурангзеб номига жавоб мактуби ёзиб юборди. Уша вақтларда Ҳиндистондан Ўрта Осиёга қиммат баҳо тошлар, дур, уқа билан тикилган кимхоб ва бошқа қимматли материаллар, уқа, бўёқлар, атр-упа, Кашмир рўмоли, чой ва ҳоказолар олиб келинар, Бухородан еса Ҳиндистонга асосан ипакдан тикилган дастурхонлар, ипак кашталар, мовут, ип газлама, гилам ва мўйна олиб бориладди. ХВІІ асриинг иккинчи ярмида Ҳиндистонда бўлган сайёҳ Фраиса Бернс шундай деб ёзган еди: «Ҳиндистонда жуда катта мева бозори бор. Бозорда дўконлар кўп бўлиб, ёз вақтида, бу дўконларда Ерондан, Балхдан, Бухоро ва Самарқанддан келтирилган қуруқ мевалар кўп сотиларди. Ҳиндистонда отга ихтиёж катта еди. Маълумки, Ҳиндистон Бухоро хонлигидан ҳар йили 25 мингдан ошиқ от сотиб оларди.

Ҳинд савдогарлари Бухорога бир оз вақтгагина келиб қолмасдан, балки Бухоро, Самарқанд ва Хивада узок вақт ҳам яшаб қолардилар. ХВІІ—ХВІІІ асрларда Бухорода ҳиндлар яшайдиган бир маҳалла бўлиб, ўз оқсоқоллари томонидан бошқарилган. Ўрта Осиё, шу жумладан Наманган, Андижон, Бухоро ва Самарқандда яшайдиган ҳиндлар сони ХІХ асрнинг биринчи ярмида яна ҳам ошиб кетди. 1820 йилларда Бухорода 250-тага яқин ҳинд яшарди. Буларнинг 200 таси Шикарпурда, 500 таси

⁴⁶ Ermatov “O’rta Osiyo Rossiya va Hindiston xalqlari o’rtasidagi do’stona aloqalar tarixi” “O’ SSR Dav nash” T. 1959. 23 – 24 b.

⁴⁶ Ermatov “O’rta Osiyo Rossiya va Hindiston xalqlari o’rtasidagi do’stona aloqalar tarixi” “O’ SSR Dav nash” T. 1959. 24 - 25. b.

Панжобнинг Синд, Мултон ва бошқа областларида еди⁴⁷.

Абдуллахоннинг Муҳаммад Назарбой елчилиги юзасидан Ҳиндистон ҳикумдорига юборган мактуби қуйидагича: Қувончлик давримизнинг саодат ва иқболига зебу зийнат муқаррар бўлсин! Шодхуррам айёмимиз юксалиш ва шон-шавкатга муяссар бўлсин!

Адолат ва саодат бўстони, ҳашамат ва бахтиёрлик гулшани, шоҳлик нурларининг матлаъи, шаҳаншоҳлик фалакининг юлдузи, саҳоват ва лаёқат жамиятининг хулосаси, шон-шавкат саҳифасининг унвони, осмон қадрлик, юлдуз, иқболи баландликнинг порлар гавҳари, оламни сритувчи офтоб, адолат ва ҳақиқат осмони, қарам ва раиятпарварликнинг жаҳонни ёритувчи тўлиқ ойи, бирдамлик поясини мустаҳкамловчи, дўстлик даражасини баландлатувчи, кўрагоний [яъни Темур] хонадонининг намунаси, Чингизхон оиласининг зубдаси [яъни Акбаршоҳ] тангрининг илтифотлари шуъласидан, Оллоҳнинг хайру саҳоват гулидан, худонинг яратувчилик қаромати нурларидан баҳраманд бўлсин. Улуғлик ва зафар осмонининг ёруғ юлдузига саодат шарафи билан жаҳонгирлик йўлдош бўлсин⁴⁸.

Вафодорликка сабаб бўлувчи муҳаббат асос маросимларни адо қилгандан сўнг ҳаққоний, олий жаноб фикримиз ўз меҳр жилосини намоён қиладик, муаттар ислик ҳавонинг мушканбар таратишидан олам жаннат рашк қиладиган ҳолда бўлган шу қутлуг оқибат кунларда мувофиқлик-ни асос қилиб олган ҳақшунос хотир(имиз) «Бу оллоҳ фазли, хоҳлаган (кишим)га бераман ва тангри буюк фазллар егаси» (ояти)нинг муфассал ва ҳаққоний мазмуни билан худонинг буюк сақлаш учун берилган буюм бўлмиш халофатнинг муҳим ишлари берди, чунки давлат бундан яхшироқ бўлсин.

Тангри марҳаматининг ёрдами ва марҳум улуғлар пок руҳлари билан

⁴⁸ I. Nizomiddinov “XVI – XVIII asrlarda Oʻrta Osiyo Hindiston munosabatlari” Oʻz SSR “Fan”nash. T. 1966. 75 b.

зебу зийнат ва шони шавкат билан умр кечирганларнинг беҳнсоб шарафи (уларнинг) ноибларидан холи бўлмасин, гуллаб –яшнайверсин, унинг меваси меросхўр бўлсин. Олам беазаги (подшоҳ) фикрида махфий йер пинхон қолмасин, ярамас шиа фиркаси ўзларининг ёмон номақбул шиорини пайдо қилиб кундан-кун ёлғонни орттириш ва сафсатабозликни кучайтиришга интилоқдалар. Ўткир фикр ва ҳозиржавоблик билан зийнатланган, авлод – аждодларидан тортиб қудратли шоҳларга манзури назар бўлиб келган Муҳаммад Назарбий додхоҳни — у кўпинча зарур хизматлар ва подшоҳликнинг муҳим ишларини тартибга кел-тиришга тайин етилади — йўлдан озган, адашган ул тоифага насиҳат қилиш жиҳатидан юборган едикки, бориб уларнинг хулқ-атворларини йўқ қилишда ҳаракат кўрсатган. Мушорулилайх олий остонани ўпиш билан бахтиёр бўлгандан сўнг маълум бўлдики, (шиалар) исломга тобелик қилмаганлар. Бинобарин, шоҳлик еҳсонидан парвариш топган Хоразм вилоятининг волийсига, ниҳоятда фармондор бўлишликни тақозо етувчи, ўз жонини сақлаш шукронасининг тухфаси сифатида (олий) остонанинг барча бандалари билан биргаликда у қавм устига (бостириб боришга) амр қилдикки, Машҳад, Астробод ва Нишопургача бориб, кетма-кет ҳужум ва талон-торож қилиб, у табиатан ёмон хулқлилар егаллаганлигини Муҳаммад Назарбий додхоҳ келтириб ўтади⁴⁹.

Абдуллахоннинг юборган елчисига жавобан Акбаршоҳ ҳам нома жўнатади. Яъни Самимий дўстликнинг тоза ҳамда очиқ кўнгиллик ва дилхоҳликнинг муаттар бўйп яратилган боғлар гулзоридан (яъни мактубдан) ҳамда мазмунларида у файзлик хушбўй янги руҳ билан тозаланди ва жаннатдек гуллаган кўнгил беандоза равшанлик топди. Муҳаббат ва қадимий дўстлик боғлари гуллаб-яшнаб кетди. Самимийлик ва ҳамжиҳатлик асоси мустаҳкамланди.

Бу мактовга сазовор хуш одат (яъни ўзаро мактублар юбориш) аслида

⁴⁹ I. Nizomiddinov “XVI – XVIII asrlarda Oʻrta Osiyo Hindiston munosabatlari” Oʻz SSR “Fan”nash. T. 1966. 76 b.

руҳоний учрашув ва сўзлашудан иборат бўлиб, фақат угина мушток диллар шодлигини орттира олади ва соф кўнгил севинчининг зийнати бўла олади. Бу хуш одат

юзма-юз ўтириб қилинган мажлислар ва очиқ-ошкора суҳбатларнинг мислсиз бадали ҳисобланиши мумкин.

Сулҳ асосини мустаҳкамлаш ва ҳамжиҳатлик чашмасини тозалаш йўлида ҳар икки томон аҳамият берсин деб, хушбўй ҳома билан ёзилган ва "Ҳинд ўртамизда бўлсин" (деган) сўзлар "маъқул назаримизда. Маълумки, (пайғамбарлар) бу мавжуд ва фасад оламида муҳаббат ва ҳамжиҳатликка таллуқ бўлмаган бўлишини мақсадга мувофиқ деб кўрсатмадиларким, коинот силсиласи шунга (ҳамжиҳатликка) боғлиқ ва алоқадордир. Ва ҳар қанчонки, бу маъни қудратлик боргоҳ устунлари бўлмиш султонлар табақаси даврида зоҳир бўлса, (бу ҳолда) ҳамма вақт молу – мулк баракали, самарали ва яхши натижали бўлади ҳамда минг-минглаб аҳоли ва (турли) синфдаги (инсон)лар сиҳат-саломатлик бешигида ором топадилар.

Сулҳ маросимларида изҳор етишда ва дўстлик лавозимларини амалга оширишда бизларга пешқадам бўлмоқлик керакким, ўтган ҳокимларнинг кўпчилигига қарама-қарши ўлароқ, барча ҳақталаб ҳимматимиз сулҳи саодатнинг очилган вақтидан бошлаб доимо ҳамма табақалар билан яхши муносабат ва самимий алоқада бўлиш йўлига қаратилсин. Ва ҳар қанча бу воқийнинг (яъни дўстликнинг) шаббодаси (яъни ташаббусчиси) у улуғ зот бўлсалар, у вақтда бу хил муносабат-ларни сақлаш ва бу зайлдаги алоқаларни ҳимоя қилишлик бизнинг ҳиммат зиммамизга янада кўпроқ лозимдир. Бинобарин, шу кунлари Ерон ҳокими қадимий таниш-билишликни ва собиқ ошноликни назарда тутиб, Ёдгор Султон Румлуни юбориб ёрдам беришни илтимос қилган экан, (бу илтимос) қабул қилинмади. Ва яна, Шохрух Мирзо вилоятларидан бирида Кобилда ёки Кашмир ё Савод Бужир ва ёхуд Тироҳда жогирга ега бўлиш орзусини қилган еди, яқин қўшничилик мулоҳазасини қилиб, унинг илтимоси

иҷобатга олинмади, унга Малва вилоятида жогир бердик.

Шунингдек, Қандаҳор мирзаларини олий даргоҳга чақириб, қадимдан империя(миз)га кирган бу вилоятни (Қандаҳорни) бобирий мирзаларга тайин қилиндики, мабодо Турон қўшинлари бу йерларни Еронга тегишли деб ўйлаб, (унга) ғурбат биёбонида сарсону саргардон бўлди⁵⁰. Бу томонга паноҳ тортиб келган вақтда унинг пешонасида афсусланиш аломатлари борлиги кўринди.

Ва Шохрух Мирзо ва Муҳаммад Ҳаким Мирза фарзандларининг бу давлат остонасида илтижо қилиб келишлари у олий ва шавкатлик пок муҳаббатнинг аломатидир, деб ишора қилинибди. Бизга тегишлик, хос кишиларнинг бу томонга келишини қандай қилиб шундай тасаввур қиласиз? Муҳаббат ва ҳамжихатликнинг тақозоси билан фатҳлар воситаси билан ёзилган экан, биз буни у олий зот яхши ниятларининг натижаси деб ҳисоблаб, хурсанд бўлдик. Азиз фарзанд (Абдулмўмин) ёшлиги туфайли ўзига номуносиб бирмунча ишлар қилибди, бундан кўнгил қолиб, дўстлик етагига чанг ўтириши мумкин деб ва бунинг учун узр-маъзур айтилиб дўстлик қалами билан битилган (ва) Мавлоно Ҳусайний келтирган гапларга келсак, елчи келишидан олдин йўлда сувга чўкиб кетганидан мактуб мазмуни маълум бўлмаган еди. Ҳақиқатни танланган хотиримиз бу воқеани ешитишдан афсусланди. Қадимий дўстона муносабатлар ҳеч қачон шу хилда ҳақиқий дўстлик қонун-қоидалари билан тартиб топмаган ва интизомга кирмаган едики, мабодо бирор бир нарса бўлса ҳамки садоқат етагига маломат ғубори ўтирмасин. Фарзандлар ўз ҳақиқий оталарига, хусусан у олий дастгоҳга еркалик қилгач, мажози падарга нисбатан бу маъни ва юз берса нима бўлибди, Фарзандлик бахт шуки, ота ризоси фарзанднинг ҳиммат бурчи бўлиб, буни асрашда у астойдил ҳаракат қилади.

Ишбилармон елчиларнинг воситаси билан бир қанча марта қарор топган буюк аҳдномалар ва шарафлик шартномалар хотирамизда ҳамон

⁵⁰ М. М. Хайруллаев “o’zbek diplomatiyasi tarixi” “Sharq” nash. T. 318b

жилоланган ва нақшлангандир. Мусулмонлик расми ва валинеъматлар одатига кўра, дўстлик ва ҳамжиҳатлик устунларини абадийлаштириш учун ҳақиқатни ихтиёр етган ва ҳиммат хислатлик оммага унинг (бу хилдаги сай – ҳаракатларнинг) ўндан бири ҳам йетарлиқдир. (Юқорида) баъзи юришлар Аҳмад Али Оталиқнинг келишига қадар кечиктирилади, деб ёзилган сўзлар (маъноси) тушунилади. У жаҳонгаштага рухсат берилиш ҳақиқати шариф қулоқларига йетиб борса, рухсатдан сўнг, олий зот билан учрашиши ҳақидаги зарур амр ҳам қилинди⁵¹. Агар муқаддас жойга йетиб бориб унинг (Аҳмад Али Оталиқнинг) ростгўй тилидан садоқат сирлари ва мувофиқлик назокатлари маълум бўлса, савоб андиш кўнгилларида яширинган ҳар бир иродани пинҳонлик ичидан (чиқариб) ишга соладилар ва дўстликни мустаҳкамлаш лозимлиги йўлида қандай ёрдам ҳақиқатни ихтиёр қилган хотирларига келса айцинларки, бу муносиб интилишда нур порлайди. Тангрига шукурлар (бўлсин)ки, фармонраволик тахтига ўлтирган вақтдан то ҳозирга қадар иккинчи асрнинг ўнинчи йили сулҳи иқбол равнақининг аввали ҳамда буюк баҳор гуллашининг илк давридир, бу тангри даргоҳидан (илтифотлар) сўровчининг барча ҳақиқат асос нияти шуки, ўз ғараз мақсадларини назарда тутмай, доимо жаҳон халқларининг тартиб ва интизоми йўлида сай – ҳаракат қилади. Бу саодат самарасидан бир қанча юқори даражалик ҳукмдорлар ўртасида (илгари) бўлиб олинган кенг Ҳиндистон мамлакати тасар-руфимизга кирди. Яна тоғлар ва мустаҳкам қалъалар ҳамда мушкул жойларда ҳокимиятга итоат қилмай, душманчилик йўлидан борган инсон табақалари яхши ният(имиз)нинг тақозоси билан кетма-кет итоат йўлига кирдилар ҳамда турли инсон гуруҳлари учун уларнинг бир-бирларига нисбатан қарама-қарши кайфиятда ва муҳолифлик феъл-атворда бўлишларига қарамай, ўзаро алоқада бўлиш муносабатлари пайдо бўлди.

Ният ва ростгўйлик ҳамда яхши ишларнинг натижаларидан бўлмиш диловиз сўзлар то шунгача йетиб келган экан, ночор тангри

⁵¹ М. М. Хайруллаев “o‘zbek diplomatiyasi tarixi” “Sharq” nash. T. 319 b

неъматларининг баъзилари ҳақида худога шукурлар ва одил тангрига мактовлар бўлсин , ҳамжихатлик базмини шодлик билан безатилади. Муқалдас олам нури билан жилоланган кўнгил ойнангизга махфий ва яширин қолмасинки, шу кунлари буюк кўшиннинг Панжоб мамлакати томон кириб келиши содир бўлди. Гарчи (бу юриш) юзаки қаралганда бу ўлканинг сайри ва шикори бўлса, аммо (аслида) мустаҳкам ва устиворликда тенг йўқдир. Оромбахш ва латофатда узоқни кўрувчи доноларнинг Лавр султонларининг пойи қадами йетмаган, кўнгил(ни) олувчи Кашмир вилоятини бўйсиндириш ҳам махфий фикрда бор еди, (чунки) у мамлакат ҳокимларининг адолацизлиги қулоғимизга йетган еди⁵². Шукрни биз бажо келтирдик.

Яна (Панжоб мамлакатига кириб келишдан мақсад) Кобилнинг сайру шикори ва у хурсандлик ишрат саройнинг гашти еди. Кашмир тоғларининг энг узоқ чеккалари ва Табатда сайр қилиб ва у илоҳий санъат нигористонининг нодир (ман-зара)ларини кўзимиз билан кўриб, бири-бирига туташган тоғлар ва турли-туман баланд-пастликлар ҳамда ўнқир-чўнқирлар билан чегараланган Пакли ва Дамтур вилоятларининг йўли орқали сайр қилиш ҳар бир фикр ва баландликни ўлчаш йўлларида ўтишликни мушкул деб билади, кўшинимиз дилга маъқул тушган Кобилга йетиб келди.

Махфий фикрлардан бири шуки, мамлакат (яъни Ҳиндистон) ғарбида Дарёйи Шўр соҳилида жойлашган ва ўз қўл остидагиларга адолат йўлини тутмаган Тата ҳокимига хушёрликни оширувчи биринчи насиҳатлар қилинса, токи у фармонбардорликнинг асосий йўлига раҳнамо бўлсин ва агар бахтнинг мададсизлиги натижасида фаровон ўлка бўлмиш бу вилоятни адолатлик фармонбардорларнинг бирига топширсин. Ва ақли расо ва узоқни кўрувчи ҳамда (насиҳатларга) қулоқ берувчи бўлмагач, ўзбошимчалик кайфияти билан озгинагина ажралди. Муносиб лашкарни у ўлка томон юбордик ва ихлосманд баҳодирлар ҳар хусусда тайёргарлик ва

⁵² М. М. Хайруллаев “o’zbek diplomatiyasi tarixi” “Sharq” nash. T. 320 b

тараддудга аҳамият бериб, икки йилга яқин муҳлат ичида хоҳ дарёларда (бўлмасин) ва хоҳ саҳроларда (бўлмасин) айрим-айрим жангу жадал қилдилар⁵³.

Султон Музаффар Гужаротийни хилофот остонасига келтираётган вақтда у ўз-ўзини ўлдирди. Раҳм-шафқатни ихтиёр етган хотирамиз бирор бир одамни ўлдириш ва (ёки) тангри бунёд етган (бирор) нарсани йўқ қилишга атрофлича ва чуқур мулоҳаза қилади. Ғолиб чиққан едики, агар (уни) назар пешгоҳимизга келтирсалар у (албатта) саломат қолади.

Улкан Декан вилоятининг улуғи бўлган Низомулмулкнинг биродари Бурхонулмулк замон ходисаларидан бу томонга паноҳ тортиб келган еди. У ўлкадаги ҳаққоний аҳвол ҳақиқатни ешитувчи қулоғимизга йетиб келгач, Бурхонулмулкка зўр илтифотлар кўрсатилиб, Деканни бўйсундиришни унга топширган едик. Исён ва раъиятга шикас йетказилаётганлик хатари келгандан сўнг, Малва ва Ҳондис вилоятларининг амирлари ҳукми олийга итоат қилиб у вилоят (Декан) ҳокимлигини Бурхонулмулкка топшириб қайтиб келдилар. (Бурхонулмулк еса) кам ҳафсалали бўлганидан кишилар кайфи тобини синамай туриб, мустақилликка интилди. Кўрнамаклик йўлига киришга ошиқиш ўз-ўзини йўқ қилишдан иборат бўлганидан, андак вақт ичида ундан ва фарзандларидан асар ҳам қолмади ва у диёрнинг бошлиқлари ул силсилага мансуб бўлган кишилардан бирини (ҳокимиятга) кўрсатиб, мағрурланиб кетдилар.

Иқбол юлдузи, давлат ва шон-шавкатнинг равшан кўзи (бўлмиш) саодатманд фарзандимиз султон Мурод бошчилигидаги зафарасар аскаримизга (Деканга юришга) фармон бердик, улар тангрининг қўллаб-қувватлаши билан ўзи бир бошқа Ҳиндистон аталган кенг мамлакатнинг қўп қисмини тасарруфимиз киритдилар.

Ҳақиқатманд жангчиларимиз шарқий мамлакатлар чеккасидаги Дарёи Шўрга туташган кенг Удийса (Орисса) вилоятини бўйсундирдилар ва бир неча

⁵³ М. М. Хайруллаев “o‘zbek diplomatiyasi tarixi” “Sharq” nash. T. 321 b

мингсипоҳлари омонлик топиб, мулозимлар қатори остонасига келдилар⁵⁴.

Мавлоно Ҳусайний мулозимат (яъни елчилик хизмати) билан бахтиёр бўлганидан кўп ўтмай салтанат ишларини безатувчи мутасаддиларга ишорат қилиндики, улар (Мавлоно Ҳусайнийнинг Ҳиндистонга кириши учун) тезда муносиб рухсат қилсинлар. Шу вақтда бирмунча бахти қаролар дилга маъқул тутган Кашмирда фитнаю фасод бошлаб, тангри ато қилган давлатга ихтилоф ва низо кўрсатдилар. Иқбол кўшинимиз еса барча яқин кишилар билан бирликда айшу ишрат учун овга кетган бўлиб, қудратининг ёрдам кучи билан кўзимиз очилди ва у ғалаён ҳақида хабар топилди. (Сўнг) шамол ва ёмғирнинг ҳаддан ошишига қарамай, (тезлик билан) йўлга тушдик. Ғолиб ғозийлар мушқул йўллардан ўтиб, бу мулкга киришларидан аввал зарурият орқасида бу нопок тўфонга тушиб қолган баъзи саодатлик ҳақиқатмандлар фурсатни қулай билиб, уларнинг енг катта бошлиғини бошини келтирдилар. Шавкатлик кўшинимиз яқинлашиб келган (ҳам) едики, бу беҳазон боғистонга яна ўтишга тўғри келди ва бу файзбахш гулзаминда шаклий ва маънавий лаззатлар олинди. (Шунинг учун) елчи юборишлик кечиктирилди. Хисравона туғимиз (ўша вилоятдан) қайтаётганда йўлда Мавлоно Ҳусайний воқеасининг хабари келдики, у қорин шишиш касали билан ўлди (деб). (Бу хабар) афсусланишимизнинг ортишига сабаб бўлди. Бинобарин, муҳаббатни ортдирувчи баъзи сўзларни буюк авлиёлар авлоди, соф зотлилар хулосаси, бу олий хонадоннинг улуғларидан бўлмиш Хўжа Ашраф орқали айтиб юборилди, токи мунаввар кўнгилларини барча ҳақиқий аҳволдан огоҳ қилсин ва ҳам елчи ва номалар воситаси билан таҳлил етилган ва мустаҳкамланган аҳду паймон муносабатлари аниқ бўлсин. Муҳаббат ва бирдамлик шон-шухратининг қудратидан умид шулки, қувончни орттирувчи хушхабарлар билан кўнгил бўстонига тозалик бағишласинлар⁵⁵.

⁵⁴ М. М. Хайруллаев “o’zbek diplomatiyasi tarixi” “Sharq” nash. T. 322

⁵⁵ М. М. Хайруллаев “o’zbek diplomatiyasi tarixi” “Sharq” nash. T. 323 b

ИИ. 3. Абдуллахоннинг Дашти қипчоқ ва бошқа минтақалари билан дипломатик муносабатлари.

“Абдулланома ” асарининг иккинчи қисмида Дашти Қипчоқ худудидаги елчилик муносабатлари ҳақида келтириб ўтилган бўлиб, ундаги елчилик алоқалари албатта Абдуллахон билан бўғлиқ бўлган. Асарда келтирилишича онҳазрат (Абдуллахон) муборак сафарга отланаётган чоғда уни халқ ином, еҳсонлар билан шод қилганди. Шунингдек ислом ва мусилмон аҳлидан Абдуллахон беҳад қувонади. «Абдулланома»да 1579 йил 25 май куни яна Бухоро давлатига Дашти қипчоқдан елчи келиб, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга муваффақ бўлганлиги қайд етилган⁵⁶. Ҳақназархон то умрининг охиригача Абдуллахон ИИ билан тузган иттифоққа содиқ қолган. Шунинг учун 1580 йили Бобо султон Қозоқ хонига кучларни бирлаштириб, Абдуллахон ИИ га қарши биргаликда курашиш таклифи билан Жониқулбийни елчи қилиб юборганда, уни рад етиб, елчини ўлимга ҳукм қилган⁵⁷. Ҳофиз Таниш бу ҳақда шундай маълумот беради: «... Бобо султон онҳазрат (Абдуллахон ИИ)дан умид узиб Туркистон томонга борди. Бироқ Абдуллахон сафар чоғда Онҳазрат овга

⁵⁶ Hofiz Tanish Buxoriy 1 – kitob. 346 b.

⁵⁷ Abuseytova M. X. Казахское ханство во второй половине XVI в. С. 56.

боради ва айнаи шу пайтда Тошкентдан Бухорога Қўшқулоқбий елчи бўлиб келади. У сарой амалдорларига учрайди Қўшқулоқбий елчилк соҳасида анча тажрибали бўлиб елчига хос маданият билан ўзини саройда танитган шахс бўлган. Қўшқулоқбий Бухорога келган пайтда Абдуллахон овдан ханузгача қайтмаганди. Ниҳоят елчи ўзи билан келтирган мактубни Абдуллахонга беради, елчи келтирган мактубда куйидаги сўзлар келтирилган еди: “биринчдан Бу ҳамма жиноятлар ва жарималар гарчи қазою қадирдан бўлса ҳам, тавба йўлини тутиб Маъзират воситалигида ирода етганини ушлаб, байт келтитади :

Умидимиз шулки, лутф юзасидан

Ғуноҳ саҳифамизга насх хатини торцалар

Қулингизмиз ва ожизлигимизни очик айтамыз

Сенинг меҳринга боғланган аҳдни бузиш йўқдир

Бизларнинг хотирамизда аҳдни бузиш йўқдир⁵⁸

деб таъкидлайди ва иккинчдан шуки, ўша замонларда қозоқ подшоҳлари нифоқидан тулган диллари билан Дашти Қипчоқ (ҳзирги Қозағистоннинг Жанубий Россия йерларига ХИ сардан кўчиб келган қипчоқ қабилаларининг бўлган ҳудуддир) келиб, вилоятнинг бир қисмини олмоқчи бўлдилар бизларда уларга қарши бўлган куч – қудрат йўқ ва улар билан курашмоққа сабр тоқат ҳам йўқдир. Сиз оили ҳазратлари нимани хохласалар амалгам оширишгава токи ушанга амал қилинади” деб ёзилган еди Дарҳақиқат Тошкент ҳокими Бобо султон Абдуллахонга қуллиқ қилгани, елчига юборган мактубида баён етилганди⁵⁹.

Абдуллахон Амударё ва Чоржўй атрофларига ов сафарига отланган пайтда ян бир елчи Ганжиали шиғовул Хоннинг ҳузурида хатини арз қилиш учун келтирилди. Елчи бир қанча талабларни Абдуллахонга баён қилди, шу ўринда Бобо султон ўзининг талабларига

⁵⁸ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. II tom “Sharq”nash. T. 2000. 6 b.

⁵⁹ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. II tom “Sharq”nash. T. 2000. 6 b.

яна Андижонни ҳам қўшади. Елчининг мактубини ешитгач Абдуллахон ачиғланади ва елчини Дўстимбий ва кузбоғи бултуркбийлар келгунларича ўз ватанига кеткизмасликни буюради. Шунингдек елчини Бухорода сақлаб туришни ҳам вазирларига буюрганди. Бироқ Абдуллахоннинг елчиси Дўстимбий Тошкентга келмасидан олдин Бобо султон кучсизланиб қолганидан қозоқлар билан сулҳ тузган ва у сулҳда Ясси ва Саброн (ҳзирги Ясси – Туркистон, саброн – Туркистоннинг шимолий тарафида бўлиб, ундан 35 км масофада жойлашган йирик ўрта аср шаҳаридир) вилоятларини қозоқларга суюрғол қилгани ҳақида ва қозоқлар сулҳга биноан Сирдарёдан ўтиб, вилоятларни ўзларига исён йўли билан бостиришларини таъкидлаб ўтган еди. 1579 – йил елчи бу воқеаларни Абдуллахонга йетказди⁶⁰. Бўлиб ўтган воқеалардан Тошкент ҳоқини Бобо султон ва Бухоро ҳукумдори Абдуллахон ўртасида иттифоқ бузилиши мумкин еди, бироқ Бобо султон Абдуллахон ҳузурига ўзининг қизини ва бир қанча сарой аёнлари билан бирга савға саломлар билан балҳда турган Абдуллахон ҳузурига юборди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Абдуллахон марҳаматлиги ва олийжаноблиги туфайли бўлиб ўтган воқеаларни бўлмаган ҳисоблаб, елчи Қушқулоқбийга меҳрибончилик айлаб Бобо султоннинг қизини елчига ҳамроҳ қилиб ўз ватанларига қайтишга ижозат беради. Абдуллахон Бобосултон елчиларига ўзининг елчиси Мирзо Шохмуҳаммад дўрмоннинг отасини қўшиб жўнатади. Абдуллахоннинг елчиси олиб броган мактубда қуйидаги жумлалар келтирилган еди: “ Агар иттифоқчиликнинг асоси дўстликнинг биноси мустаҳкам бўлиб туришини хоҳлайман, бирлашиш биносини қуриб, ихлос чашмасини фитнаю фасод ғубори билан бекитмасликни. Яна агар қудрати йеца Самарқандлик бузук султонларни Абдуллахон ҳузурига жўнатишни. Агар унга кучи йетмаса, ўз вилоятларидан ҳайдаб чиқаришни жазм қилсин, агарда бу сўзлар қабул қилинмаса унда Бобо султон мамлакатига офат келишини айтишни елчига буюради”. Бу икки давлат ўртасида ян

⁶⁰ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. II tom “Sharq”nash. T. 2000. 7 – 8 b.

бир қанча елчилик алоқалари бўладаи, улатни ўз вақтларига қараб келтириб ўтамиз. Абдулахон Бобо султонга ўзига буйсунишини уруш орқали емас, аслида елчилик алоқалари орқали ҳал етишни афзал кўради⁶¹.

Абдуллахон бир неча кун бетоб бўлиб қолади. Бироқ Абдулҳаким табибнинг сай – ҳаракатлари билан Абдуллахон шифо топади ва халққа садақ беришни хохлайди. “Садақа умирни зиёда қилади” дегандек Абдуллахон Бухоро аркида ийид номозини ўқиб камбағал ва талабаларга садақа ином етади. Айни шу пайтда Абдуллахоннинг бетоблигини ешитган атрофдаги душман давлатларга Абдуллахон овга чиқаётганлигини Баҳромнишон хабарчилари мамлакат атрофига жар солдиради. Бундан мақсад атрофдаги давлатларнинг ғарзли ниятларини амалга оширишларида тўсиқ еди.

1579 – йил 29 – ноябр ойида Дабусий қалъаси атрофига ёшу – қари паҳловонлар ва спохсолорлар ҳам тўпланишни буюрди ва Абдуллахон Хожа Саъдуддин Абубакр саъа билан биргаликда насафга йўналди имом Абубакр Саъднинг мазорига бориб зиёрат қилганларидан кейин, биргаликда Насафга йўналди. Шу жумладан улар Бухоронинг қасри Орифхон йўлидаги Шохруд устида жойлашган Хожа Али Сулаймон кўпригига келганда улар қўшини билан алоҳида бўлиб ажралишиб, Абдуллахон Бухорога қайтади ва Хожа Нақшбанд мазорига тушиб зиёрат қилади⁶². Шунингдек Абдуллахон зиёратининг иккинчи куни Хожа Дангир кейин кун еса Саид амир кулолнинг қабрларини зиёрат қилади ва ниҳоят абдуллахон Насаф томон йўл олади. Шу орада Абдуллахоннинг укаси Ибодулла султонда елчи келади. Елчининг мактубида: “Душмандларнинг спохлари Сирдарёдан ўтиб, баъзи шаҳар ва вилоятларни талон – тарож қилиб кетгани, бу ҳодисага Абдуллахон нимани раво кўрса ином қилсинлар” деб ёзилган мактубни Абдуллахонга берди. Айни шу пайтларда Абдуллахоннинг таши ҳудудларга

⁶¹ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. II tom “Sharq”nash. T. 2000. 7 b.

⁶² Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. II yom “Sharq”nash. T. 2000. 7 b.

чиқмаганлигини ешитган Тошкент ҳукумдори Бобо султон Абдуллахон томонидан қанча марҳаматлар бўлиб турганига қарамай қозоқ бошлиғи султонлари билан кенгаш тузади⁶³. Қозоқ Саброн султон ҳам Абдуллахонга чорикорлик қилиб, меҳрибончиликлар кўрган бўлса, ҳам Бухоро шимолидаги ҳудудларни талон – тарож қилади.

Саброн султондан бироз олдин бўзахўр султон бироз қўшин билан Самарқанд атрофини талон – тарож қилган еди ва Кунбой мавзегга бориб, кўпмол мулк ўлжаларни олиб қайтган еди. Бўлиб ўтган воқеадан хабардор бўлгаб Абдуллахон бу фитналар ортида ким турганлигини аниқлашни амалдорларига буюрди. Натижада бу фитналарнинг кўзғатувчиси Бобо султонлигини аниқлагандан сўнг уни даф қилишни буюради. Абдуфатих Исфандиёрхон султон ва Суюнчимухаммад султон (Абдуллахоннинг амакиси) биродари Саид Муҳаммад султон билан Самарқандга боришни ва душманларни топса уларни жазолашни буюради.

Шунингдек Бобо султон яна бир қанча Абдуллахонга қарши фитналарни амалга оширган. Яъни Бобо султоннинг биродари Тохир султон Искандарфармон ибодулла султон даргоҳига илтижо қилиб, ариза юборди. Ушбу аризанинг мазмуни қуйидагичадир: Биродарим Бобо ўзи қилган ишларидан шаримсор ва хижолатда бўлиб, дейди: “Неч марта аҳду паймонни буздим, энди онҳазрат етагига қўл уришга менга юз йўқ, Сени агар қўлингдан келса восита бўлиб. Ибодулла султонни онҳазратга васила қилсанг, ул зот ҳазратдан жиноятларимни кечиришларини илтимос қилсалар. Жоним омон қолишга сабаб бўлса, ғараз шуки: сулҳ яхши , (Қуръон) оятларига амал қилиб, яраша қадам қўйсалар, икки томон риоясида ўртада сулҳ қилсалар ва Онҳазрат хотиридаги масалаларни кўтарса, мамлакатлар бунга гувоҳ бўлсин”. Ушбу ариза Ибодулла султон воситачилиги билан Абдуллахонга хабари йетди. Абдуллахон бу аризани қабул қилар экан шундай дейди: “ Бобо султон

⁶³ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. “Sharq”nash. T. 2000. 8 b.

ўз биродарини гувоҳ қилиб мендан авф сўраган бўлса, мен ҳам унинг аризасини рад қилиш ёки қабул қилишни иним Ибодулла султон ихтиёрига топширдим, шунингдек самарқандликларни тутиб менга юборсин, ёки уларни вилоят атрофидан хайдасинқабул бармоғини тоат кўзига қўйсин. Менинг буйруқларимдан бошини тобламасин ва буйсунишга сўз берсин” дейди. Абдуллахон инисини талабини қабул қилгандан сўнг, Ибодулла султон юборган кишига савға – саломлар юборди. Шунингдек елчининг сўзларини Абдуллахон бирма – бир ёзиб номани ўша елчига бериб юборди. Елчи қайтиб келиб номанинг мазмунини Бобо султонга айтади. Натижада Бобо султон Абдуллахоннинг юборган мактубининг сўзларини тушиниб иккинчи марта унга тавба қилди. Узур баён қилиб, итоат оёғини йўлга қўйиб, ёмонлик ғуборини ўртадан кўтармоқчи бўлсада, лекин амирлар жаҳл мюзасидан уни ман қилди. Дарҳақиқат Абдуллахон иккинчи марта ҳам Бобо султонни авф етди, негаки, бу ҳолат “Абдулланом” асарида Абдуллахоннинг меҳр мурувватлилигини таъкидлаб кўрсатади⁶⁴.

Бадахшон ҳокими Соҳ Сулаймон, Шоҳруҳ мирзонинг ғалабаси тифайли 5 йил ҳокимятни тарк етиб, Каъба, Мадина Оллоҳ зиёратида бўлди. Шунингдек кейин улар Кобулга марҳум Ҳумоюн подшонинг о`ғ`ли Муҳаммад Ҳаким (Темурийзода Кобил подҳоси) Мирзо иттифоқи ўрталарида куёв қариндошлик мунособатларига қарамасдан кўп қўшин билан Бадахшонга борди⁶⁵.

Шоҳруҳ мирзо Бадахшон ҳокими темурийлардан бо`либ, бобосига қарши қо`шин тортди. Бироқ Шоҳруҳ мирзони қо`шинининг хиёрати туфайли Зафар қалъаси (Ҳисори Шодмон) га қочади. Натижада Муҳаммад Ҳаким Подшоҳ ёрдами билан Шоҳ Сулаймон Бадахшонни егаллади.

Шунингдек иккаласи Абдуллахон ҳузурига елчи юборди. Елчи 1580 – йилнинг 29 мартда Шоҳ Сулаймон Меҳри Кўкалдош Муҳаммад Ҳаким еса

⁶⁴ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. “Sharq”nash. T. 2000. 8 – 9 b.

⁶⁵ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. “Sharq”nash. T. 2000. 20 b.

Нуриддин Муҳаммадни савғо саломлар билан Дизах атрофида остона ўпишга келдилар. Қулбобо Кўкалдош воситачилиги билан Абдуллахон ҳузурига келиб елчилик мактубини баён етди. Дарҳақиқат унда: “Ниёз пешонасини даргоҳ тупроғига суртиб, дўстлик ва иттифоқлик хабарини йетказди”. Шунингдек Абдуллахон самарқандликларга қилган қилган юришларида қўшинини тақсимлайди. “Мўмин султон дарё лабига қараб қўшини билан жўнайди. Исфандиёр султон қўшини билан амир Қулбобо 300 урушқоқ қўшини билан ва унинг кетидан Тинишбой жалойир найза санчивчи термиз лашкари билан урушга йўл оладилар”. Нихоят Баҳр(ўрта йер денгизи) денгизидан ўтиш учун ҳаракатланаётган бир пайтда самарқандлик султон Абдулғаффор султон ва Абдусаттор султон, шу жумладан гуруҳ – гуруҳ қуролланган қўшин билан ўртасида курашш учун ҳаракатлар бошланди⁶⁶. Бу пайтда Абдуллахоннинг иттифоқчиси бобо султонга зарар келтирарди. Шунинг учун иккинчи марта сулҳ тўғрисида Қўшқулоқбий ва Абдулхайр султоннинг даргоҳида улўғ мартабада у ўлдирилгандан сўнг, Бобо султон томонига бруган Абдулла Мирзо манғитни оилй даргоҳга елчи қилиб юборди. Елчи тўхтовсиз дарёнинг нариги томонига ўтиб, хоқон Абдуллахоннинг саройида бўлиш учун дарёдан ўтди.

Елчилар Абдуллахон ҳузурида тезда тупроғини пешонасига суриб, сулҳ тузишни орзу қилдилар. Шунингдек елчга жуда катта масулият ҳиси бўлганлиги учун елчи албатта ҳукумдорнинг олдида турган пайтда ўз юртининг маданий – сиёсий ҳолатини ўзида акс еттирган ҳолда гавадаланади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Абдуллахоннинг ҳам елчиларни ўзининг фаросати, ақли, зеҳнидан билдики, унинг тавба қилишини фравннинг Мусога дуо ва салом бўлсин, яъни унинг ноумидлигида қилинганга ўхшайди. Елчига жавоб тариқасида “Сиз шулки, агар яқинлик ипи узулмасин, вилоят яна оёқ ости бўлмасин ва зафарсар сипоҳидан зарар йетмасин, Бўзахур ва бошқа султоннинг ўз даргоҳидан қувласин. Агар қўлдан келса уларни менга тутиб юборсин, агарда бунга қаршилик қилса, жазм билгинки, ғазаб доирасининг

⁶⁶ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. “Sharq”nash. T. 2000. 20 – 21 b.

маркази бўлади” деб Абдуллахон Қушқулоқбийга ўз юртига қайтишга рухсат беради ва Абдулла мирзони тутиб келиб подшоҳга иноят ва икром билан сийлади.

Абдуллахон 1580 йил 21 – апрел куни зиёратга отланган чоғда Абдусамадбий томонидан чиноқбулоқ мавзийида турган Абдуллахонга елчи жўнатди. Унда “Бобо султон Тошкентни ташлаб қочганлигини ва агар иноят қилиб, фатху зафарни келтириб, от чоптириб Тошкентга юзланса, ғоятда муносиб кўринарди” дейилган еди. Абдуллахон бу хабарни ешитиб, зудликда Кулбобо Кўкалдош, Мўмин султон билан бошқа султонларни Тошкентга юборди. Уларга бу воқеа ҳақиқат бўлса, шаҳар дарвозаларини маҳкамлашини, бошқаларни киришини ман қилишини буюрганди. Бу воқеаларни ешитган Бобо султон Абдуллахон ҳузурига ҳасанхожи ва Арислон оталиқларни юборди. Улар “Бобо султонни Тошкентдан Даштга кетишини ёлғонлигини, лекин қачонки бизлардан умидини узиб қочса, бахцизлик тупроғини пешонасидан сочса керак” дейди. Шунингдек елчи Қушқулоқбий Бобо султонга елчиларнинг Абдуллахон билан учрашишини ҳамда Туркистон ва Тошкент нинг бир қисмини Бўзахўр талон – тарож қилганини ва унга Абдуллахон ишонганлигини ва елчиларнинг маълумотлари тўғрилигини аниқ бўлгунча елчиларни тутиб туришни Бобо султонга хабар беради.

1580 йил 23 апрелда Абдуллахон Ўратепага кўшинини тортгани ва Иқимбий дўрмонни Шохруҳия қалъасини забт этишга юбориб ва кўприк солишга буюради. Ўша куни Сулаймоннишон Маҳмуд султонни, Абдулбоқий ва бир гуруҳ амирлар: Ешимбий Жалойир, Тумонга Баҳодир билан Хўжанд тоғларига юборди. Чунки тоғда кўпгина талончилар жойлашган еди. Шунинг учун Абдуллахон уларни муомала қилиб ўз хулқ – атворларини тушириб Ўратепа томонга юборишини буюради. Агарда қаршилик кўрсатадиган бўлса, қандай усул бўлмасин абдуллахон буйруғига буйсунишга мажбур қилишларини буюради. Айни ўш пайтда Абдуллахон Бобо султонга елчи юбориб, тўхтовсиз Тошкент қалъасини қамал

қилишларини айтади⁶⁷.

Бироқ Қушқулоқбий самарқандлик лашкарбоши, ҳамиша фитналарнинг бошида бўлган Шох Саидни Абдуллахонга боғланган ҳолда даргоҳига келтирди. Бу ҳолат Бобо султоннинг гуноҳидан кечиш мумкин бўлган ягона йўл еди. Қушқулоқбий еса бу ишни уддалайди. Бобо султон козоқ султонларини ўлдирган еди. Шунинг учун у Абдуллахон ҳузурига елчи юборади. Мактубида Бобо султон шундай дейди: “баҳти қароликдан ва мардум иғвосидан кўп зомонлар ёмон ишлар ва ноўрин душманчилик қилганимдан шундай шармандаю шаримсорманки, икки тилли қалам унинг мингдан бирини ёзиб тамом қилолмайди. Узур айтишга тилим йўқ, лекин онҳазратдан умидворманки, подшоҳлик марҳамати билан янги гуноҳимдан авф етишини, бир қанча лутф марҳаматлари қаторига қўшсинлар, бундан кейин тобеликни ва бўйсуннишни қилич учи қадар ташқари қадам қўймайман, одобу итоат шартини бир дақиқа ҳам унутмайман” деб ёзилган бўлади⁶⁸.

1580 – йил 11 май ойида Туркий муҳирдор дўрмон Ахсикат томонидан, Ҳошим султон олдидан келиб, унга муносиб савфо саломлар келтиради. Бу елчи Аторудмисал амир Қулбобо кўкалдош воситачилигида келиб, елчилик ҳурматини кўрсатиб, Абдуллахоннинг юборган иноятномасини беради. Бу иноятномада шуни кўрсатиб ўтадики: “Муҳаммад Мўмин султон менга қандай фарзанд бўлса, у ҳам ўша фарзандим қаторидадир. Агар душмандлик ҳаракатларидан бошини тортиб иттифоқлик йўлда ҳаракатланса, аниқ билсинки бу боғланиш мустаҳкам бўлиб, аниқлик кундан кунга зиёда бўлади. Фараз шулки, ул шахриёр ҳазратдан фармонбардорлиги ва хизматиға бўйсунниш лозимдир. Биз ҳам ҳамжиҳат бўлиб, ихлос камарини белга боғлаганимиз, итоат тавқега бепарволик йўлга қадам қўйгаймиз. Душманлик ва келишмовчилик воқеасидан ташқарида турибмиз. Нурли ҳаётларига ва хотирларига арз шулки, бундан кейин ҳар

⁶⁷ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. “Sharq”nash. T. 2000. 27 b.

⁶⁸ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. “Sharq”nash. T. 2000. 29 b.

қандай фармон бўлса хонимиз билан қабул қиламиз ”, дейилганди. Шунингдек Абдуллахон унинг елчисини подшоҳона иноят ва яхши иномлар билан сийлади ва унга тиллакор шамшир, зарбоф тун ва сарполар бериб ўз елчисини, ўша елчи билан бирга Хошим султон ҳузурига юборди⁶⁹.

1580 – йил 24 май кунларида Сори оталиқ биродари Соға тарафдан келади ва Бўзахўрға тобе бўлган бир қанча бошлиқлар билан махфий бўлиб, Самарқандга кириб келади ва елчи олиб келган номада: “ Ҳар қачон Бўзахўр султон юриши учун Сирдарёдан ўца унга қўшилиб ёрдам берувчилардан қанчасини бошини остонага келтириб, бунингдек фитналардан яна юз кишиси ўлдирилди”. Деган сўзлар ёзилганди. Абдуллахон унинг юборган елчиларини ҳурматлаб саройда тантана уюштиради⁷⁰.

1580 – йил 26 май куни Абдуллахон ҳузурига Хоразмдан Пулод султон ва Темур султонларнинг елчилари келиб, Абдуллахон оёғини ўпиш саодатини топдилар. Елчиликнинг мазмуни бандаликнинг изҳори ва ожизликнинг баёни еди. Абдуллахон уларни иззат еҳтиром билан кутиб олди ва уларга саройда тўхтаб туришларига фармон берди⁷¹.

Абдуллахон ўз ҳаракатларини бир қанча шаҳарлар бўйлаб йўналтирди. Наваканд (Шохруҳия ва Оратепа ўртасидаги бир қишлоқ) қишлоғига йетганда қирғизлар елчи жўнатиб бўйсунганликларини изҳор этади ва Абдуллахон уларни кутиб оларкан уларга ўзларининг муносабатини яхши намоён қилади. Кейин еса Абдуллахон ўз қўшини билан Ўратепага йўл олади. Ўратепа ҳокимлари Муҳаммад султон ва хусравфармон Абдуллахон ҳузурига келиб, таслим еканлигини билдиради ва Абдуллахон улар билан дўстона муносабатларини ривожлантиришга ва уларга меҳрибончилик кўрсатишга Абдуллахон қарор қилади.

⁶⁹ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. “Sharq”nash. T. 2000. 34 b.

⁷⁰ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. “Sharq”nash. T. 2000. 34 – 35 b.

⁷¹ Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. “Sharq”nash. T. 2000. 35 b.

1580 – йил 25 июн куни Абдуллахон Хўжандга юришни давом еттиради. Абдуллахон Бухоро вилоятига еҳсонлар олиб келиш учун ҳаракатларини давом еттирётган чоғда душман томондан елчи келиб, Абдуллахонга: “Султонимиз ожизликқулликни изҳор қилиб арз қиладики, ўзларига ишончли кишилардан кимки хохласа фақир томонга юборсалар, токи Арслон отлиқ ва Хожашайхбийлардан юборган ҳукумларини риояга олиб бориб илтижо қилишлигини кўриб, Абдуллахонга айца”. Абдуллахон уларнинг бунингдек еҳтиромли сўзларидан уларнинг гуноҳи йўқдеб билди⁷². Шунингдек Абдуллахон билан улар ўртасидаги муносабат яхшиликка ривожлана бошлади. Абдуллахон ўзининг ҳарбий юришлари даврида Дашти Қипчоқ ҳудудларини кетма – кет босиб олиб ўз давлати ҳудудларини кенгайтиришга ҳаракат қилди.

Дарҳақиқат Абдуллахон ўз даврининг ўта қобилиятли, илмли, жанг санъатини пухта егаллаган ва маданиятли шахс бўлган. Абдуллахон сиёсатни мамлакат равнақи учун кенг қамровда олиб бродан. Албатта Абдуллахон қаттиққўллик билан давлатни бошқаргани “Абдулланома” асарида келтириб ўтилган. Асарда яна Абдуллахоннинг Дашти Қипчоқ ҳудудидаги елчилик алоқалари мукаммал даражада олиб бродан. Биз юқорида келтириб ўтилган матинга асосан Бобо султон билан бўлган елчилик алоқалари ҳақида кўп тўхталиб ўтдик.

⁷² Hofiz Tanish Buxoriy “Abdullanoma” tarj. “Sharq” nash. T. 2000. 43 b.

ИИ.2. Абдуллахон давлати билан Россиянинг дипломатик ва савдо алоқалари.

XVI асрда Бухоро кўплаб мамлакатлар билан узвий савдо ва дипломатик муносабатлар ўрнатган еди. Хитойдан кўплаб ипак газламалари (атлас ва бошқалар), чинни идишлар, дори-дармонлар, чой, Ҳиндистондан қимматбаҳо тошлар, зумрад, дока, кимхоб ва бошқа қимматбаҳо матолар келтириларди. Бухорода ҳиндларнинг бутун бир маҳалласи бўлиб, уни ўзининг оқсоқоли бошқарарди. Хитой ва ҳинд моллари Бухородан Москвага бориб, у орқали кейн Ғарбий Оврупога ўтарди⁷³. 1557 йилда ЎБухородан Москвага елчилар юборилиб, Россия билан еркин савдо муносабатлари ўрнатилишига рухсат сўралади. 1558 йилда Бухорога Россия подшоси Иваи ИВ нинг елчиси сифатида инглиз Антоний Жикинсон келади. У Россия Бухорога турли ҳайвонларнинг тасвирлари, жундан тўқилган матолар, ошланган қўй териси, ёғоч идиш-товоқлар, егар-жабдуқлар олиб келиши ҳамда Бухородан еса пахта ва пахтадан тайёрланган маҳсулотлар, ипакнинг турли хил навларини ва бошқа кўплаб нарсаларни олиб кетиришлари мумкинлигини билдирад и⁷⁴.

XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб, Бухоро билан Москва ўртасида савдо ва елчилик муносабатлари янада ривожланади.

1583 йилдан 1600 йилгача Москвага, Бухородан беш маротаба

⁷³ Maradjabova F. E. "Внешняя политика Бухарского хана абдуллахана II" Markaziy Osiyo tarixi manbashunoslik va tarixnavislik izlanishlari. II ilmiy to'plam T. 2010. 117 b.

⁷⁴ R.Alimova "Markaziy Osiyo xalqlari tarixi" "TDSHI" qo'llanma T. 2009. 7 b.

елчилар юборилади. Уларнинг асосий мақсади дипломатик муносабатлар ўрнатиш еди. Иван ИВ томонидан (1574 йилда чиқарилган ёрликда) рус савдогарларига бухороликлар билан божсиз савдо сотиқ ишлари олиб боришга рухсат берилган еди. Бухорода қимматбаҳо курол-яроғ ишлаб чиқариш катта ўрин тутган. Совут, қалқон, олтин ва кумушдан ўйма қилиб ўртасига қимматбаҳо тошдан «кўз» ясалган дубилға, шунингдек, Бухоро камонлари (баъзан бўларга ҳам тилла суви берилиб безатиларди), бўялган ва олтин суви берилган пўлат ва мис тулунбослар «иякдан тикилган ва олтин қадалган» совутлар ишлаб чиқариш билан доинғи таратган еди⁷⁵.

Рус халқи ва Ўрта Осиё халқларининг ҳинд халқи билан сиёсий, савдо, иқтисодий ва маданий алоқалари XVI асрнинг иккинчи ярми ҳамда ХВІІІІ асрда муваффақиятли ривожлана бошлади. Ҳинд товарлари Бухоро орқали Москва шаҳрига олиб бориладди. Буюк Мўғуллар империяси пайдо бўлгандан кейин Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида ўрнатилган мустаҳкам иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқалар кейинги асрларда ҳам узулиб қолмади

Абдуллахон елчилари 1583 – йил Москвадан ўқ, дори, ов қушлари, мато олиб келганлар. Бундай елчилик 1589, 1595 – йилларда ҳам қайтарилган. Шунингдек ХВІ – ХВІІІІ асрлардаги рус елчи ва дипломатияларининг матреаллари, асосан ХІХ асрларда нашр қилинади. Лекин Ўрта Осиё хонликларининг қўшни шарқ давлатлари билан савдо алоқалари ҳақидаги маълумотлар асосан, ХВІІІІ аср охирлари ва ХІХ аср бошларида чоп етилган.

В.В. Бартолднинг ёзишича XVI асрдан Бухоро хонлигининг ташқи алоқаларига доир маълумотлар Россияга нўғай князлари орқали йетиб келган экан. Шу билан биргаликда, сўнги ўрта асрларда жаҳон савдо йўллариининг ўзгариши албатта савдо алоқаларига жиддий тасир кўрсатади. Юқорида келтириб ўтган елчимиз Антоний Жекинсоннинг саёҳатдан

⁷⁵ Ermatov “O’rta Osiyo Rossiya va Hindiston xalqlari o’rtasidagi do’stona aloqalar tarixi” “O’ SSR Dav nash” T. 1959.27 . b.

мақсад ва вазифалари тарихчилар томонидан бир қадар ўрганилди. Масалан Й. А. Соколов, “Москва компания” сининг асосий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, Ҳиндистонга Россия шарқи билан савдо алоқалари олиб бorgan йўллари орқали кириб бориш лозим бўлган, деб ҳисоблаб: “Инглизларнинг Россия орқали Ҳиндистонга кириб бориш йўлини қидириб топиш ишига компаниянинг енг фаол вакилларида бири А. Жекинсон асос слоган еди”.

Демак асосий мақсад Ҳиндистонга борадиган савдо йўлини топпиш еди. У Ўрта Осиёга савдони йўлга қўйиш ниқоби остида Бухорога боришга рухсат олган Жекинсон Москва Русининг Бухорога юборган биринчи расмий елчиси еди.

1585 йил Абдуллахон Муҳаммад Али бошлиқ елчини Россия подшоси Фиёдар Ивановичга ўзининг номидан бир қанча савға саломлар ва ҳадялар таркибида 40 пуд нил буёғи билан тортиқ қилган⁷⁶.

⁷⁶ R.Alimova “Markaziy Osiyo xalqlari tarixi” “TDSHI” qo’llanma T. 2009. 11 b.

ХУЛОСА

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асари шайбонийлар ҳақида тўлиқ маълумот берадиган манбадир. Бу китоб икки қисимдан иборат бўлиб “Шарафномаи шоҳий” деб ҳам номланган. Китобда Ўзбекистон, Қозағистон, шунингдек Афғонистон ва Ероннинг XVI асрдаги ижтимоий – сиёсий тарихи ҳам баён қилинган бўлиб, бу халқлар ўртасидаги маданий, сиёсий, савдо, дипломатик муносабатлар ҳақида қимматли маълумотлар келтириб ўтади. Ундан ташқари, асарда Бухоро хонлиги билан Ерон, Ҳиндистон, Қошғар ва Россия ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтади. Ҳофиз Таниш Бухорий асарни XVI асрнинг 80 йилларида ёзиб тугаллаганлиги ҳақида замондошларидан Мутрибий айтиб ўтади. Шунингдек Мутрибий бу асарнинг охрғи қисмини хоннинг буйруғи билан қози Поянда Зоминий ёзган деб келтириб ўтилган. Биз учун унинг ёзилиш тарихидан кўра унда мамлакатимиз тарихида рўй берган воқеаларни батафсил келтирилганлиги ва унинг тарихда тутган аҳамиятли жиҳатларидир. “Абдулланома” асари ҳақиқатдан ҳам ноёб асарлар сарасига киради ва унда қамраб олинган давр жараёни бошқа асарларга солиштирганда ҳам ҳақиқийлигини билишимиз мумкин. XVI аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонни ўз ичига олган марказлашган давлатнинг барпо етилиши, Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида маълум даражада барқарорликни таъминлади. Ўша даврда сиёсий бошбошдоқликларга ва ўзаро тахт учун курашларга барҳам бериб, ўлкада осойишталикни ўрнатиш мамлакатдаги йирик мулк егалари, хунарманд ва савдогарлар кўпчилик қисмининг ҳам истаги еди. Гарчи Абдуллахон ИИ бу мақсадга тинимсиз ҳарбий ҳаракатлар натижасида еришиб, хонлик аҳолиси ижтимоий ҳаётида нотинчликларни юзага келтирган бўлса ҳам, ўзаро ички низо ва жангларга қисқа муддат бўлсада барҳам берди. Абдуллахон ИИ томонидан ҳокимият бошқарувини ягона марказ остига бирлаштирган.

Мамлакатни марказлаштириш нафақат ҳудудий бирлик, балки, иқтисодий жиҳатдан марказлаштиришни ҳам талаб қилади. Жумладан,

пул бирлигини жорий етиш ва ягона пул сиёсатини ўтказиш давлат мустақиллиги ва мустаҳкамлигининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. XVI аср иккинчи ярмига келиб, ҳар бир вилоят ҳокимлари томонидан тангалар зарб қилиниши пулнинг кадрсизланишига олиб келган ва бу кайфиятлар янада кучайишига сабаб бўлган; асосийси еса ички ва ташқи савдога салбий таъсир кўрсатган. Кумуш тангаларнинг давлат ва бозордаги кадри тушиб кетиши натижасида, улар муомаладан чиққан. Дастлаб Абдуллахон ИИ кумуш тангалар чиқаришни марказлаштириш мақсадида кўпгина зарбхоналарни беркитган. Фақат айрим-ларигагина мис тангалар ишлаб чиқаришга рухсат берган. Кумуш тангаларни зарб қилиш Бухорода йўлга қўйилган. Бухоро зарбхоналари бутун хонликни кумуш танга билан таъминлаган ва улар мамлакатнинг ҳар бир бурчагига йетиб борган. Унинг қиймати ўттиз мис тангага тенг бўлган. Шунингдек, 1581 йил 13 октябрда Абдуллахон ИИ фармонида биноан олтин тангаларнинг зарб қилиниши марказий ҳокимият мавқеини кучайтириш билан бирга давлатнинг ички ва халқаро миқёсдаги савдосотиқ ишлари яхшиланишига ёрдам берган. Шунингдек, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарида Абдуллахон ИИ даврида зарб қилинган тангалар халқаро бозорда юқори мавқега ега бўлганлиги ёътироф етилган.

Хонликда суғориш иншоотларининг қурилиши қишлоқ хўжалиги ривожланишига, бунинг натижасида еса ишлаб чиқаришнинг такомиллашувига сабаб бўлиб, хонлик марказлашувини янада мустаҳкамлаган. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ягона пул сиёсатининг ўтказилиши, янги савдо расталари, карвонсаройларнинг барпо етилиши, карвон йўлларининг қайта таъмирланиши албатта фақатгина ички савдо-сотиқнинг емас, балки ташқи савдонинг ҳам юксалишига олиб келган. Давлатнинг ҳудудий ва иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилиши натижасида қўшни давлатлар олдидаги мавқеи янада ўсган ва бу Қозоқ ва Ёркенд хонликлари томонидан сиёсий, иқтисодий

жиҳатдан қудратли марказлашган давлат сифатида тан олиниб, улар билан муносабатлар яхшиланишига олиб келган.

XVI аср иккинчи ярмида Бухоро ва Дашти қипчоқ ўртасидаги ҳарбий иттифоқчилик алоқаларининг кучайиши ўзаро дипломатик алоқаларнинг аввалгига нисбатан яхшиланишига сабаб бўлган. Бухоро ва Дашти қипчоқ ўртасидаги алоқалар ўзаро елчилик алмашинуви орқали ҳам олиб борилган. 1579 йилнинг ўзида икки марта Дашти қипчоқдан елчи келганлиги ва унга жавобан Абдуллахон ИИ ўз елчиси билан бирга хат жўнатганлиги фикримизни тасдиқлайди. Тадқиқот жараёнида аниқланган маълумотлар, улар ўртасидаги елчилик алоқалари доимий равишда олиб борилган деб хулоса қилади.

Юқорида келтирилган манба ва адабиётлардаги маълумотларга асосланиб шуни таъкидлаш лозимки, бу халқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Сирдарёбўйи вилоятлари марказ вазифасини ўтаган.

Бухоро, Дашти қипчоқ ва Ҳиндистон аҳолиси ўртасида сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ўз ўрнида маданий алоқаларга ҳам таъсирини ўтказмай қолмаган. Бу давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг аксарияти абадий дўстлик билан тугаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- *Каримов И. А. Юсак маънавият – йенгилмас куч. Маънавият Т. 2008. 173 б.*
- *Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир Т. Ўзбекистон 1998. 278 б.*
- *Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ Т. 7. – Тошкент. Шарқ. 1999.*
- *Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт, маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11 – жилд. Т. Ўзбекистон. 2003. 319 б.*
- *Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланом (Шарафномаи шохий) Биринчи нашр / II жилд. Форсчадан С. Мирзаев таржимаси, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.А. Аҳмедов. - Тошкент: Фан, 1966. - 399 б;*
- *Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланом. / III жилд. Форсчадан С. Мирзаев таржимаси, нашрга тайёрловчилар тарих фанлари кандидатлари Р. Ғофурова, А. Жувонмардиев, Б. Аҳмедов. - Тошкент: Фан, 1969. – 361 б.*
- *Б. Аҳмедов Тарихдан сабоқлар. Ўқитувчи. Т. 1994. 580 б.*
- *Абусеитова М.Х. Казахское ханство во второй половине XVII в. - Алма-Ата: Наука, 1985. – 103 с.*

- *Б. Аҳмедов. Ўзбек улуси. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси. Нур. Т. 1992. 146 б.*
- *Р.Алимова Марказий Осиё халқлари тарихи ТДСҲИ қўлланма Т. 2009. б.*
- *Ерматов. Ўрта Осиё Россия ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар тарихи. Ўзб ССР Дав Т. 1959. 63 б.*
- *Бартолд В.В. Узбекские ханства. Соч. Т. ИИ (И). С. 268-292*
- *Ҳофиз Таниш Бухорий Абдулланом тарж. ИИ том Шарқ. Т. 2000. 288 б.*
- *В. Раҳмонов ва Я.Эгамова таржимаси. Тарихий Рашидий. Шарқ. Т. 2010. 720 б.*
- *Баракаев Бухоро тарихи. Ўқитувчи. Т. 143 б.*
- *Мараджабова Ф. Е. К истории Ташкентского Восстания 1558 года. Марказий Осиё тарихи: манбаишunosлик ва тарихишunosлик изланишлар. Илмий тўплам Т. 2009. 353 б.*
- *Ўзбекистон Миллий энсклопидияси . И том . Дав миллий Т. 2000. 33. б.*
- *Мараджабова Ф. Е. Бешняя политика Бухарского хана Абдуллахана ИИ. Марказий Осиё тарихи манбаишunosлик ва тарихнавислик изланишлари. ИИ илмий тўплам Т. 2010. 493 б.*
- *Низомиддинов ХВИ – ХВИИИ асрларда Ўрта Осиё Ҳиндистон муносабатлари Ўз ССР Фан Т. 1966. 117 б. ва Ўрта Осиёнинг чет ел шарқи билан муносабатлари. Ўзб ССР дав. Т. 1961. б. 120. б.*
- *М. М. Хайруллаев Ўзбек дипломатияси тарихи Шарқ.. Т. 373 б.*
- *Мадраимов, Г. Фузаилова. Манбаишunosлик .Ўзб. Файласуфлар миллий жам. Т. 2008. 263. б.*

Hofiz Tanish ibn Mirmuhammad Buxoriy, Abdullanoma, 1-jild, T., 1966; 2-jild, T., 1969; [akad. B. Ahmedov qaytatayyorlagan], 1-jild, T., 1999; 2-jild, T., 2000; Umnyakov I. I., "Abdul-laname" Xafiza Tanisha i yeyo

issledova-2teli, Zapiski kollegii vostokovedov pri Aziatskom muzee Rossiyskoy Akademii nauk, t. 5, L., 1930;
Ahmedov B., Munirov K., Hofiz Tanish Buxoriy, T., 1963.

Ҳимояга руҳсат берилди:

Факультет декани Маматов А.

(имзо)

Кафедра мудири Назаров О.

(имзо)